



1336 хижрий 16 рамазон 1919 мелодий 15 июль

1919-мелодий 15-июнда кеч соат 6 да Тошкандан Афғонистонга караб ҳаракат килдук. Бизим ила бирга машхур мустаҳриклардан ўрток Бровин ҳам бор эди. Ўрток Бровин бир неча ёврупо тилларин билмок ила баробар мукамал форси тилини (ҳам) билурди. Бизлар ила бирга Туркистон Жумҳуриятининг «военни атташе» — ҳарбий кўмисари ўрток Иванўф, савдо ва тижорат шуъбаси тарафиндан ўрток Куликўф, сиёсий кўмисар ўрток Зиборўфлардан бошқа бир неча техниклар, ҳаво тилгиромчилари, афтомобиль устолари, ўн бир нафар кизил аскарлар ҳам бўлуб, булар(нинг) 9 нафари мусулмон эди. Булардан бошқа Афғонистондан Туркистонга келмиш афгон хайъати ваколасиндан Абдулрахимхон ила бирга элли(к) афгон аскарари ва бир сартарош ҳам бор эди.

1) Абдулрахимхон валади Абдулкаюм — амир(н)инг мирзоси;

2) Кандилхон валади Меҳрдилхон — амир(н)инг мулозими;

3) Соҳибхон валади Абдулкаримхон — амир(н)инг мулозими;

4) Усто Абдулгани валади Абдулрахмон — амир(н)инг сартароши.

Булардан бошқа хинд инкилобчи фиркасиндан З. Х. Зикриё афандида бизлар ила йўлдош эди. Ўрток Зикриё афанди лисони форсни(нг) мукамал билмоги ила баробар инглизча мукамал сўзлаша биларди, оз-моз русчада сўйлашурди.

16-июнда кеч соат 8 да келуб Хавос истансасида колдук. Йўлларда бў(л)сун, истансаларда бў(л)сун, ялангоч, авротлари очук, кийимлари пора-пора мусулмон хотин-кизлари, ёш-ёш болалар кўрилурди. Албатта, илмсиз ва тарбиятсиз, аҳоли оламдан ҳабарсиз мусулмонларнинг ҳол-аҳволлари биргина Ўрта Осиё йўлинда эмас, бутун Туркистоннинг ҳамма ўлкасинда шўйла фано ва аянч ҳолда эканлигин ҳеч ким инкор килмайди... Бизим Туркистонда ҳар ерда ҳозирда иш бошин-да ўлтурган рус товаришларимизнинг ўзлари иш бошига ўлтуруб олуб, ўзлари ошалаб, биз мусулмонларга ялатувларининг натижасидур.

Мазкур аҳолилардан сўралганда, алҳамдулиллох, бу йил бултургига караганда ҳолларимиз яхши. Бу йил фақат ялангоч бўлсамиз ҳам бир оз емакликга гадолик ва тиланчилик килуб умр ўтқарамиз. Агарда бултур келган бўлсангиз эди, бул йўлда «ох, нон!..» деб жон бериб ётган му-сулмонларни кўрар эдингиз, дея бу ҳолларига ҳам шукур баён килардилар.

17-июнда сабох соат 8 да Хавосдан Самаркандга караб равока бўлдук. Бизим бу минган

мада-ният айгиримиз пишкира-пишкира равон бўлди. Хозирда Туркистонда ер мойи — дугут — кора мой оз ўлдигиндан ўтун ёкилуб юарди. Бу маданият мошинамизга ўтун ёкиладигиндан бу айгирнинг огзидан йўлнинг хар икки тарафига ўтлар сочилурди. Йўлнинг икки тарафида офтобнинг харорати ила кок бўлуб ётган ўтларни(нг) гуруллаиб ёндуруб юборурди. Хусусан, кечалари йўлнинг икки тарафидаги ўтларнинг мошинадан тушган учкундан ёнмогила чарогон бўлур эди. Ногахоний ўларок бизим мошинамизнинг ўти сўнуб, икки соат йўлда тўхтаб колди. Шул вақт бир неча бизим кирмизи аскарлар ила вагон хизматчилари рўбарўмиздаги факиргина бир одамнинг богига деворидан ошуб тушуб, ўрук ва олмаларин олуб емокга бошладилар. Бир неча хотунлар келуб, йиглашуб, «Биз факирларнинг озгина мевамизни(нг) сизлар еб кетасиз, бизлар киш кунида нима еб овкат киламиз», десалар-да кулок соладургон киши йўк эди. Раҳм килмок ўрнида хатто хотун бечораларни(нг) муштлаб урардилар. Ўртоқ Бровин ёнимга келуб:

— Авлоний афанди, Сиз ижроия кўмита аъзоларидансиз, юринг, бирга боруб онлари фиртакўл киламиз, — дея, иккимиз бирга онларнинг қошига боровимиз ила ерларина кайтдилар.

17-июнда кеч соат 4 да Самарканд шаҳрига етушдук. Бу кеча Самарканд истансасида колдук. Эртаси Тошкандан ўртоқ Иванўф ўртоқ Казакўф ила етуб келди. Чунки бу (н)лар биздан бир кун сўнг Тошкандан чикган бўлсалар-да, буларнинг минган маданият айгирларининг еми ер мойи ўлдигиндан тез чопар эмиш. Шунинг учун икки кунлик йўлни бир кунда тай килмишлар.

18-июнда кеч соат 4 да Бухорога эришдук. Бу кеча Когонда колдук. Кеч соат 9 да Когон ижроия кўмитасининг идорасида махфий мажлис бўлди. Бу мажлисда аксари Туркистон Марказий Ижроия Кўмитасининг аъзолари хозир эдилар. Мажлисга раисликни Казакўф адо килди. Мажлис ёпик ўлдигиндан бу мажлисда хал килинган масалаларни(нг) очик ёзмок мумкин эмасдир.

19-июнда сабох соат 10 (да) бутун Когондаги кизил аскарларнинг кўриги бўлди. Туркистонда биринчи ўларок барпо килинган боевой поезд — харб оташ аробасининг йўлга кўйилуви муносабати ила хамма ҳукумат арбоблари тарафиндан турли мавзўда нутқлар сўйланди. Хамда бурадаги кирмизи аскарларга ТурЦИК тарафиндан кизил алвон байрок такдим килинди. Соат 11 ларда Марвда бурада Тошканд мўаллимлик вазифасида кўп вақтдан бери хидмати ила танилгон уч турк зобит(лар)ининг кўлга тушуб турмада ётганликларин хабарин манга эришдирдилар. Бурадан жўнамогимиз соат 12 да ўлдигиндан бир соат ичинда кўлимдан келгунча ҳаракат килсам-да, онларни(нг) боруб кўрмоқга мумкин ўлмади. Бул хусусда Когон президенти Печёникўфга, Казакўф-га учраб мазкур махбуслар хусусида сўйлашдим. Онлардан олгон жавобим «Бу иш особий отделни(нг) иши, бизлар кўлдан келгунча ҳаракат килуб, бу(н)ларинг ишларин тез кўрилуб тамом килинмогига ҳаракат килурмиз. Сиз хотиржам бўлингиз!» — дея мени курук сўз ила каноатлантирдилар. Фақат на чора, курук сўзга юпануб, вақтим ўлмадигиндан соат 12 да маданият йўргамизга минуб, Когондан ҳаракат килдук. Бироз юргандан сўнг йўл ишлаб юрган бир неча кафказлик биродарлар вагонимизнинг мошинасини(нг) олдини(нг) тўсуб тўхтатдилар. Казакўф тушуб, онлар сўйлашгандан сўнг манга караб «Ўртоқ Авлоний, боруб онлар ила сўйлашуб келинг, буларнинг орасида нима бўлган экан», деди. Ман боруб узогда турган бухороликлар ила сўйлашгонимда, маълум бўлдики, ўтин ила юрадир-гон мошинадан ўт чикиб, бухороликларнинг бирмунча бугдойларини (ё)ндуруб юборган экан. Шул сабабли Бухоро фуқаролари темир йўл

ишчиларидан икки бошлик(лар)ини тутуб, камаб кўйган эканлар. Маним таржимоним Абдулматлаб афанди ила иккимиз боруб, кўб сўзлар (билан) бухороликлар кўлиндан икки камалган кишининг куткаруб олдук. Бухороликдан бирини чакируб келуб, Казакўф олдида Бухорога, Когонга тилгиром ила ахволни(нг) маълум килуб, «Айб бу ишчи-ларда эмас, оташ арабанинг мошинасида — бул ахволни(нг) маълум киламиз. Когондан комиссия келуб, бугдойларингизни баҳо киладур. Туркистон Жумхурияти зарар-бурдингизни тўлайди», — деб жўнаб кетдик. Кеч соат 12 да Чоржўйга етушдук. Бу кечани Чоржўйда ўткардук.

20-июнда кундуз соат 10 да парахўдга ўлтуруб, Каркига караб жўнамокга хозирландук. Парахўдимиз ўзига керакли нимарсаларин хозирлагунча соат 2 бўлди. Бизим бу сув айгири бакира-бакира жанубга караб со(ат) икки яримда жўнади. Бизим бу тушган парохўдимиз ниҳоятда эски бўлуб, ҳамда оркасида аскар ва уруш асбоблари юкланган «баржа» исмли ўзи юралмайдиргон думи ҳам бор эди. Бу оркасига бойлаб олган дарди бедаво думини дакиюнус замонасидан колган эски ва чурук арконлар ила бойлаб олгон эди. Чоржўйдан Каркига бориш бизим бу кўхна парохў-димиз ила беш кунлик йўл бўлуб, Каркидан Чоржўйга келиш икки кунлик йўл эмиш. Чунки дарё-нинг манбаъига караб юрмок бу кўхна парохўдимиз учун огир ўлуб, сувнинг мансабига оқадургон тарафига караб юрмок енгил эмиш. Бу Ому(р) дарёнинг боргунча икки тараф сохили кичик-кичик кишлоклардан иборат бўлуб, ернинг аксари Бухоро хонлигига тобеъдур. Бу ерда ватан килуб ўлтургон халкларнинг аксари туркманлардир. Туркманлар табиат жихатиндан ниҳоятда гаюр ва жасур, худрой, илмсиз, маълумотсиз, ахлоксиз, тутган ерини кесадиргон халқдирлар. Табиий дарё сохили ўлдигиндан ери ниҳоятда ўсумликдир. Хар хил экин ва мевалар ўсади. Хусусан, бу дарё лабларида битган кобун бутун дунёга ширинликда машхурдур. Хавоси мўътадил ўлдигиндан одамлари ниҳоятда соғломдурлар. 21—22 июнларни(нг) дарё сохилинда кемамизни(нг) лангарандоз килуб ўтказдук. Бизим бу кемамиз кўб эски ўлдигиндан кўб ери сувга ботуб юрар эди. Шул сабабли кўб ерларда дарёнинг саёз ерига тўгри келуб, кумга ўлтуруб колуб, кемачилар бир соат, икки соат овора бўлуб, бу «бобой кемаини кумдан аранг халос килурдилар.

23-июнда кеч соат 8 да энг хавфлик аталгон Бурдалик исмли ерга етушдук. Ўрток Иванўф ила ўрток Бровин менинг кошимга келуб, «Биродар Авлоний, Сиз афгонлар ила бу кишлокга боруб ахволот олиб келинг. Чунки энг хавфлик хисобланган жой ушбу ердир», — дедилар. Кеч соат 9 да ман, хиндистонлик Зикриё афанди ҳамда тўрт афгон меҳмонлар ила баробар Бурдалик кариясига бордук. Бир неча кўргончаларга боруб хабар олдук. Бу ерда Карки бекларининг бармоклари ила тўпланган, бизим каршимизга хозирлангон аскарларининг бор-йўклигиндан маълумот олгонимиз-да маълум бўлдики, бул ерда бизимча хавф килинган душмандан асар йўк. Икки соат чамасида йўл юруб кишлокилардан икки товук, йигирма беш дона тухум сотуб олуб, парохўдимизга кайтуб келдук. Улардан олгон маълумотни(нг) келуб ўрток Иванўфга баён килдук. Бу кеча хотиржам Бурдалик сохилинда ётдук.

23-июннинг тонги отди. Бизим-чун бу кунги тонг(нинг) энг хавфлик, энг дахшатлик эдиги айтишиндан маълум бўлуб турар эди. Сабох соат 4 да парохўдимиз Карки тарафига караб равона бўлди. Ярим соат чамасида йўл юргандан сўнг ўнг тарафимиздан ту(р)кманлар тирборон килмокга бошладилар. Ўрток Бровин ила ўрток Иванўф менинг кошимга келуб «Авлоний, сиз боруб афгонлар ила ул туркманлардан ахволот олуб келингиз!» — дедилар. Ман меҳмон афгонлар ҳамда хиндистоний Зикриё афандини(нг) олуб Абдулматлаб афандига оқ байрок кўтартируб, тўгри туркманларнинг аркони

харбларига бордук. Бизларни йирогдан кўрган хамон икки отлик аркони харбдан чикуб бизим каршимизга келдилар. Бул кишиларнинг иккиси(н)да олтмиш ёшла-ринда, кўлларинда милтик, белларинда килич туркман беклариндан эди. Отлариндан тушуб, бизлар ила кўришдилар. Хол-ахвол сўрашгандан сўнг, ман:

— Бизлар сизларга меҳмонмиз. Дарё узориндан Каркига боруб, урадан Афғонистонга ўтуб кетамиз. Балки сизнинг аскарларингиз бизнинг кимлар эканлигимизни(нг) билмасдан, балки биз-ларни(нг) душман ҳисоблаб отиш очгандирлар?

Туркман беклариндан бири:

— Болам, сиз билганни(нг) биз ҳам биламиз. Бизлар руслар ила кирк йилдан бери яшаб дўст келдук. Аммо шул кунларда оромиз бузулди. Каркида руслар бизларга кўб жабру зулмлар кил-дилар, бир неча бекларимизни тутуб ўлдирдилар. Уйларимизни ёндирдилар. Бола-чакамизни ҳам ўлдирмоқдан тоймадилар. Бизлар инсоният нуктаи назариндан бундай хўрликга чидашга тоқатимиз қолмади. Ҳукуматга қаршу қиём қилмоқга мажбур бўлдук. Ё нажот, ё ўлим дея ишга қириш-дик. Ё ишимизни(нг) ўнгаруб оламиз, ё баримиз қирилуб битамиз.

Ман:

— Сизлар Бухоро хонлигина тобеъ кишиларсиз. Бухоро ҳукумати бизларга таъминот беруб, йўлда сизларга ҳеч хавф-харос йўқдир. Агарда сизларга бирор нимарса вуқуъ бўлса, бизлар жавобгармиз, деган эди. Бобо, сизлар нима учун хонларингизга итоат қилмайсиз, оқ байроқ кўта-руб кетуб ётган бизим парохўдимизга отиш очдингиз?

Туркман беги:

— Болам, бизлар қатъиян қарор қилганмизки, Чоржўй тарафиндан келган парохўдни Каркига ўтқазмасликга. Бул ҳусусда Бухоро амирининг фармони бўлса ҳам итоат қилмасмиз. Бизлар қайдан биламиз, эҳтимолки, сизлар парохўдда Каркига ёрдамга ўк-яроқ олиб кетаётгандирсиз.

Ман:

— Бобо! Агарда сизлар парохўдда яроқ-ўк бор деб хавф қиладиргон бўлсангиз, руҳсат берингиз, бизлар қайикга тушуб ўтуб кетайлуқ.

Бек:

— Йўқ, болам, дарё ичиндан қайик туруб, қибинни(нг) ҳам ўтқармасмиз! Ман:

— Бобо! Бўлмаса, бизлар Афғонистонга қандоқ қилуб кетамиз? Бек:

— Болам! Агарда сизлар хоҳласангиз, сизлар бизларнинг меҳмонимизсиз. Ўлчига ўлим йўқ! Сизларнинг ҳаммангизни бизлар бошимизга қўтарамиз. От ила, ароба ила бир қўндируб, эртаси кун Афғонистон чегарасига етқуруб қўюб келамиз. Агарда бизим сўзимизга инонмасангиз, хат қилуб муҳр ҳам босуб берамиз. Сизларнинг бирортангизни бурнингиз қонаса, бизлар жавобгардирмиз!

Ман:

— Биз ила бирга кетуб бораётган бир неча руслар ҳам бор, уларга нима дейсиз?

Бек:

— Болам, боя сенга ўлчига ўлим йўқ, дедим. Қим бўлса бўлсун, бизлардин айирмасига қарамасдан, неча қиши бўлсангиз, ҳаммангизни ўтқазуб юборамиз.

Ман:

— Бобо! Агарда бизларга тўғри парохўд ила дарёдан ўтуб кетувга руҳсат берсангиз бўлмасми?

Бек:

— Болам! Ман санга боғона дедим-ку, ҳеч мумкин эмас. Агарда бизлар ўтқаруб

юборсак-да, йўлда бошқалар бор. Алар ўтқармаслар. Ушбу ердан бошлаб то Каркигача дарёнинг ҳар икки тарафида аскар бор. Мутлако сизларни(нг) ўтқаргани қўймаслар. Агарда менинг сўзимга кирмас-дан илгари қараб юрсангиз, бекорга овора бўласиз. Албатта, биров юргандан сўнг кейин қайтмоқга мажбур бўласиз.

Ман:

— Отажон! Бўлмаса, ман сиздан олган маълумотни(нг) парохўддаги ўртоқларга боруб сўйлайин, онлар нима маслаҳат кўрсалар, шунга қараб иш қилурмиз. Балки тез яна ёнингизга қелурман, — дея хайрлашиб, парохўдимизга қайтуб қелдук. Урадан олингон маълумотларнинг ҳаммасини қелуб, парохўддаги арқони ҳарб ва Афғонистон хайъати вақоласин жамъ қилуб, бирин-бирин сўйлаб бердим ва ўз фикримча, бек бобонинг сўзи тўғридур. Нима бўлса ҳам қайтмоқ маслаҳат. Менимча, ўтиб кетмоқ маҳол қўринур, — дедим, Мажлис менинг фикримга қўшулмади. Нима бўлса ҳам қатъиян дарёни(нг) ёруб, қуч ила бўлса-да, ўтуб кетмоқга қарор қилдилар. Маж-лис асосинда баъзи ўртоқлар (Қазақўф) бизларга ҳар нимарса бўлса ҳам иш қилуб, уришсангиз ҳам дарёдан Қаркига бир илож қилуб ўтушга ҳаракат қилингиз, деган эди. Туркманларда нима қувват бор дейсиз. Қарс-курс беш-ўн ўк отган ила бўлди — қўйдими? Нарироқ боруб тўпдан, пулемётдан, бўмбамётдан, милтиқдан бир отиш очсак, туркманлар ўзлари қочурга жой тополмай қоладилар, дея сўзлаган қишилар-да бўлди. Қоат том бир эди. Парохўд ичида ҳамма аскарлар муқаммал яроғландилар. Бизим бу икки парохўдимизда бир тўп, бир пулемёт, бир бўмбамёт, юз қиши интернационал Астрия — Мажор аскарлардан бошқа бизлар ила бирга Афғонистонга қетуб бораётган 11 қиши — фирқа олоғи ва бир неча парохўд қодимлари, қарийб бир юз қирқ қиши, ҳаммаси муқаммал яроғланди, Тўп ва пулемётларнинг атрофлари тойланган пахта ила ўралди. Ҳамма аскарлар-да ўзларини пахта тойлари ила ихота қилдилар-да, парохўдимиз ҳуштагини қал-ди-да, «ҳар чи бода бод» дея равона бўлдук. Бизлар боруб сўйлашгон туркманлар дарёнинг ўнг соҳилиндан қемамиз йироқ ўлдигиндан отган ўқлари етушмас эди. Онлар ўқларининг етган-етмаганига қарамасдан пайдарпай ўк равон қилмоқда эдилар. Толеъга қаршу бизим парохўдимиз борган сари дарёнинг қиқик ерига борур эди. Бора-бора ўнг тарафдан ўк етадиган ерга қориб қолди. Қоат 3 дан 20 минут ўтган эди. Дарёнинг сўл соҳилиндан Оқтепа исмли ердан қумлиқ қаланд-қаланд тепалар устидан дурбин ила қаралганда, ўрмалашган туркман аскарлари қўрина бошлади. Қемамиз беш дақиқа қамаси илгари қетган эди. Бирдан ўнг тарафдан ҳамда сўлдан отиш очдилар. Бу ноғаҳоний икки тарафдан бирдан очилган отишнинг ўртасида қолган бир қовуч инсон қаттаси ўзини йитуруб, ақлини шоширмоғи табиийдур. Бизим қўманда хайъати бизим тарафдан отиш очмоқга парохўд ҳуштагини таъйин қилмишди. Толеъга қаршу бирдан бир ўк қелуб қема-мизнинг пар қозонини тешуб юборди. Бир тарафдан дўл ёқондек ўк парохўднинг мошинаҳонаси-га қараб қелса, иқкинчи тарафдан қаят(а)ларга қараб қизиллаб ўқлар қелмоқда эди.

Парохўднинг пар қозонининг тешилуви-да бизим учун бир қало бўлди. Бутун қемадаги қишиларнинг қулоқлари(ни) шавуллаб, қаранг қилуб юборди. Қулоқларимизга пахта тиқуб қўйсак-да қидаб турмоқ имкон қорижинда эди. Шул вақт овози ҳаста бўлган одамга ўхшаш қемамиз уч маротаба қириллаб юборди. Бизнинг аскарлар тарафиндан-да отиш душман тарафига қараб очилди. Лекин толеъга қаршу иш ишдан қечган эди. Чунки бу вақтда ўртоқ Иванўф ила аскар бошлиғи ва улардан бошқа 22 қиши мажруҳ бўлуб, 3 қиши ўлган эди. Бизим қаятамизда бизлар-дан бошқа тўрт рус, австрия(ли), арман ўртоқлар-да бор эдилар. Бунларнинг ҳаммалари англиски беш отар милтиқлар ила

куролланган эдилар. Факат ман ила биродарим Абдулматлабга винтовка етушмай колган эди. Бу бизим баходир ўртоқларимиз «Сизлар милтик отишни(нг) билмайсиз. Хали караб туринг, бизлар канаканги душманни урамиз», — дея аввалда ярогланган вақтларида мактануб-да кўйган эдилар. «Мард киши майдонда айлансун» фахвосинча, бирдан (бир) бизим каютанинг тепасида отишуб тургон австрия(ли)га ўк теғуб, бизнинг каютага юмалаб тушмасинму. Буни кўрган замон ўртоқларимизнинг гайрат ва баходирликлари сувга уруб кетди. Бўғумлари бўшашуб, тарвузлари кўлтукларидан тушуб, иккинчи милтикни(нг) кўлларига олишга ҳолатлари колмади — журъат кила билмадилар. Факат биргина Гриша исмли ўртоқдан бошқалари каютадан юкориға чикмокга-да журъат кила олмадилар. Бизнинг ила бирга кетаётган австрия(ли) дўктури-мизда ҳеч нимарсани(нг) билмайдиргон, вақт ганиматда ўзининг номин дўктур кўюб олгон бир киши экан. Каютамызга юмалаб тушган австрия(ли)нинг кони бутун хонамизни(нг) конга бўягандан сўнг, ародан бир соат кечгандан сўнг ўларча маст ҳолатида келуб, бечорани(нг) ярасини боғлади. Ярани(нг) боғлаган вақтида бир фи(л)шир дўктури-мизнинг камоли мастлигидан кўлтугидан кўта-руб турарди. Агарда ўз холина кўйса, йикилуб кетуви шубҳасиз эди. Харна ўлса, иш ишдан кечмиш эди. Парохўдимиз борган сари сўнг(л) тарафимиздаги душманнинг энг қувватли отишининг остига яқинлаша борур эди. Толеънинг бадлигина каршу шу аснода бизим парохўдимизнинг оркасига боғланган баржамизнинг бир аркони узилуб, биргина аркони колгон эди. Агарда иккинчи аркони-да узилса, бир кемамиз — канча асбоб, кирк-эллик чамасида одам, бир тўп, бир бўмбамёт душман кўлига тушган бўлур эди. Иш ўнгидан келмаса, шўйла бўлар экан. Пулемётимизда «тит-тит» дея уч-тўрт ўк чикоруб, бир тўхтаб, тузуккина отилмади. Тўпимизда беш-олтидан ортук ўк чиқара олмади. Бўмбамёт эса икки ёки учдан ортук ўк узолмади. Табиий, инсон жонидан умид узгандан сўнг кўб-да кўркмас экан. Парохўд ичидаги инсонларнинг ҳаммаси-да бутун иш кўлдан кетганлигин сезган эдилар. Парохўдимиз бўлса, кок душманнинг уяси бўлган кумлик тепанинг тагина борган эди. Шул вақт парохўднинг устига чиқуб карасам, бир-икки киши мастшо, хама сувга уруб кетубдур. Хар замонда бир бизнинг тарафда-да ўк отилуб кўядур. Тездан душман кўлига ҳамма-мизнинг асир тушажагимиз муқаррар эди. Ўртоқ Гришани(нг) чакируб дедимки, «ўртоқ Бровин каю ерда бўлса, боруб айт. Ўртоқ Иванўф мажрух бўлуб, ўзи ила ўзи овора. Авлоний айтадурки, тезлик ила сиз расфаражени килинг. Парохўд кейинга караб кайтмаса, колганларимизданда айриламиз», — дегил дея ўртоқ Бровинга ўртоқ Гришани юбордим. Тездан ўртоқ Гриша «Сенинг сўзингни боруб ўртоқ Бровинга айтдим, макбул бўлди. Парохўднинг кайтмоғига буйрук килди», — деди. Демак, парохўдимиз секин ўнг тарафина бурилуб, сувнинг оқишига караб, маъюсона равона бўла бошлади. Хариф душман кайтсак-да, отишни шид-датландирур эди. Соат 4 дан 30 дакика ўтган эди. Демак, маъюсона бир суратда кейин караб чекилдик ва душманнинг отган ўқларининг аксари «разрывной» бўлуб, охирги вақтларда кўброк «боевой» ўк ёғдира бошлаган эди. Табиий, душман тарафида-да зоеъот бизим тарафдан икки хисса ҳисоб килинурди. Душман бизнинг кейин караб кайтувимиздан истифода килуб, ярим соат-лик йўлгача отиш ила кузатуб келдида, жим бўлди. Демак, бу бизим кўхна парохўдимиз душман-нинг тўрт соатлик ёғдиргон ўкига чидаш берди. Олингон маълумотларга биноан, душман тарафинда рус офисарлари ўлмак ила баробар инглиз агенлари-да борлиги маълум бўлди. Тошкандан Афғонистонга хайъат ила бирга кетадиргон мусулмон фирка олойиндан 2 си огир, 2 си енгил яраланмиш эди. Хисом Жалолий ила Валихўжа ўгли енгил, Мустафо

Тиллобек ўгли ила Аваз Самад ўгли огир яраланмиш эди. Парохўднинг атрофидаги душман ўкиндан урилган тешуклар бир мингдан зиёда эди. Бизим бу кўхна парохўдимиз кейин караб кайтишда сувнинг окимига караб юрганлигиндан аввалда юкори караб бир кун юрган йўлини 3 соатда тай килди. Демак, кеч соат 8 да дарёнинг ўртасида бир оролга лангарандоз ўлди. Дарёнинг баъзи ери чукур, баъзи ери саёз ўлдигиндан кечалари юрмок мумкин эмас эди. Кундуз кунлари-да баъзи вақтларда дарёнинг саёз ерига тўгри келуб колуб, «бобой кема»миз кумга ўлтуруб колуб, бўкура-бўкура бир соат-икки соат сарсонлигдан сўнг базўр кумнинг кўлиндан яқосин куткаруб, равона бўлурди. Шул сабаблара мабни 'агарда сохилда карор олса, эҳтимол душман тарафидан янада хужум бўла колса, яқосин сохилдан куткармок огир бўлуви эҳтимоли бор(э)ди. Хамда душман ила бизим оромиз 3 соатлик сув йўли ўлдигиндан, эҳтимол, душман бизим оптимиздан кувиб келуб, кечаси бирдан ногахоний хужум килув эҳтимоли-да бор эди. Мана шу холларни(нг) эътиборга олуб, кемамиз дарёнинг ўртасидаги оролда лангарандоз ўлди. Бу энг хавфлик кечани(нг) дарё юзинда, орол ёнинда ўткарурга карор килдук. Кечанинг соат 4 инда оролга кўйилган корогулимиз «Туркман келди!» — дея амон кичкирди. Бутун аскарлар тўпдан, пулемётдан, тўфангдан оролга караб отиш оча бошладилар. Ярим соатдан сўнг отиш тўхтади. Тафтиш асносинда туркманларнинг юрак килганликлари очик маълум бўлмади. Ярадор бўлгон аскар бошлугининг ўрнига янги тайин бўлгон командиримизнинг ярим соат миёнасида отилган 4—5 минг чамасида ўкнинг хавога кетганлиги очик маълум бўлди. Тонг ёришар-ёришмас, парохўдимиз Чоржўйга караб равона бўлди. Бу бизим парохўдимиз хазрати Нўхнинг кемаси ила шовла еган энг эски, 1900 йилинда Петроградда ясалгон, хар одимда бир тўхтайдиргон парохўд эди. Лекин сувнинг окишига караб юганда учар куш хам етолмас эди.

Байт:

Гунбази даврон каби айрилмадинг бир нуктадан,
Тўрт кеча-кундуз юруб, Чоржўй кайтиб келдимиз,
дея 24 июнда соат 4 да яна ўзимизнинг тўрт кун илгари чикуб кетгон Чоржўйимизга кайтуб келдик. Бу кун кечгача ярадорларимизни(нг) Чоржўй хастахонасига извошчиклар ила узатдук. Бу кеча(нинг) Чоржўй истансасининг шимол тарафинда, тахминан, истансадан 7 чакирим йирокликда парохўд ичинда ётдук.

25-июнда кеч соат 4 да парохўддан ашёларимизни(нг) чикоруб, вагона ўлтурдик. Бизим бу маданият йўргаси кеч соат 5 да Асхобод тарафига караб равона бўлди.

26-июнда соат бирда «Аннинка» истансасига етушдук. Йўлларда кайси кўз ила кўрайлук, йўлларнинг хар икки тарафи бутун харобазор. Вайрона бўлган хоналар, бузилган вагўнлар, бурда-бурда бўлуб ётгон темирлардан бошка хар бир одимда хайвон ўлумтиклари. Якин-якин ерда инсон мазорлари. Назари диккат ила боккан инсонга жигарсўз бу кумлик гўё махшаргох каби кўринурди.

Бу манзарани кўрган инсон: (рубойи)

Гуллар хазон ўлмиш, тикони колмиш,
Боглар барбод ўлмиш, хазони колмиш,
Золим фалак бу элларга кахр этмиш,
Хонавайрон, синган козони колмиш, —
демакга мажбур бўлурди.

Йўлларнинг хар икки тарафидаги киргиз уйлар(и), туркман хоналариндан асар ўларок хароба айвонлар, бузилган деворлар, корайган ўчоклар колмиш. Бизи минган вагонимиз хам бу дахшатлик Ишқобод мухорабасига иштирок этган(и) сабабли эшиклари бузилган,

ойналари синган, сувхоналари хароб бўлганликидан мариз кишидек сушт ҳаракат килурди. (Поезд) «Аннинка» истансасинда бироз истирохат килди-да, Марига караб секин ҳаракат килди.

27-июнь кундуз соат 12 да Марига келуб тўхтади(к). Мари истансасинда бизлари(нг) рус ва мусулмон ўртоқлар мусика ила қаршув олдилар. Соат 2 да Марининг махсус ҳукумат боғинда бизлар учун бир зиёфат вердилар. Бу зиёфатда Туркистон Жумҳуриятининг Ишқобод муҳораба-сига махсус арқони қарб аъзолари ҳозир эдилар. Зиёфатдан сўнг Афғонистондан келмиш ва-қилларнинг Туркистон Жумҳурияти номиндан бир неча ўртоқлар оташин нутқлар ила қаршув олдилар. Буларга жавобан Мирзо Абдулрахимхон нутқ сўйлади. Туркман атаманилариндан Ўроз сўфи сўз олуб, «Мен афгон биродарларимизнинг Туркистонга қадам босиб, Афғонистонга ҳамхудо ўлан Туркистон Жумҳурияти ила дўстлашмак ниятинда келарин табриқ этарам», — деди. Мажлис тамом бўлгандан сўнг ўз ётоқхонамиз ўлан вагонимизга келуб ётди.

28-июнда кеч соат 8 да вагонимиз секин Қушқага қараб ҳаракат килди. Кеч соат 10 да Қушқа(га) келуб тўхтади. Бурадаги рус, мусулмон ўртоқлар бизи мусика ила қаршув олдилар. Афғон ҳукуматининг сарҳад ҳокими Ёрмуҳаммадхон тарафиндан келуб бизлари(нг) қутув тургон чопар — отлик аскар Абдулрахимхондан мактуб олуб, биз 22 киши учун от ва бошқа қерақли ашёлар — нимарсалари(нг) рўйхатин олди-да, равона бўлди.

29-июнда қиладургон ишимиз йўқлигиндан Қушқа қалъалари ва бошқа қерақли ерлари(нг) айлануб, тамошо қилди. Қушқа қалъаси Туркистоннинг Афғонистон ҳудуди ўлдигиндан эски ҳукумат замонинда «тилсимот» қилуб ишланмишдур. Мундин ташқари, қалъа қичик бир тоғнинг водисинда бино қилиндингидан атрофиндаги тоғлар табиий бир буюқ истехком хидматин адо қилур. Бурада симсиз тилқироф — ҳаво тилқирофи ради(о) ҳам мавжуддир. Ҳавоси гўзал, ери ўсумлиқдир. Оқар сув ўлмадигиндан тоғ этаклариндан қикадиргон булог — чашмаларнинг бир нечасин симинт ила ишлаб, бир ерга жам қилуб, водофровод — ер остиндан юрадигон сув ижро қилинмишдир. Шимол тарафиндан оқадиргон Қушқа ирмоқи ўлса-да, шаҳар баландликга бино қилиндингидан тубанроқдаги қариялари(нг) сугорур. Бул ердаги мусулмонлар рамазон рўзасин Тошқандан бир кун сўнг ушладигиндан ийдни(нг) 29-июнда душанба қуни ясадилар. Буқун кеч соат 2 да бир неча рус ўртоқлар ила бирга афгон фуқаролариндан бири бизлари(нг) зиёфатга қақирди. Афғон ҳалқи туркистонлик қабил бисёр меҳмоннавоз эмиш. Зиёфатдан қайтуб, хонамиз ўлан ваго-нимизга қелди. Бу вақт бир неча рус ўртоқлар Мирзо Абдулрахимхонга ариза олуб қелди. Бура-да Афғон фуқаролариндан жамшидий исмли бир қабил бор экан. Мазқур жамшидийларнинг бир қисми Туркистон туфроғинда туруб, ўғрилиқ ва қароқчилиқ ила иш қўрур экан. Русия туфроғиндан аёғлиқ моллари(нг) қайдаб қетуб, афғон туфроғидаги шерикларина беруб, Қушқа атрофидаги ше-рикларина афғон туфроғидаги ўртоқлари қар хил аёғлиқ моллар(нг) қелтуруб қериб, шўйла ўғрилиқ ила қасби маишат қилур эканлар. Яқин замонда Қушқа атрофиндаги ҳоқуллари(нг) уч юз қадар қўйини қайдаб, афғон туфроғига ўтқазуб юбормиш эканлар. Мана шул ҳусусда мазқур ҳоқуллар йўқолган қўйларин қорасида ариза қелтурмишди. Абдулрахимхон ҳоқуллар қўлидан аризани олуб, тездан бу аризани(нг) ерина етқурмокни ваъда қилуб, ҳоқуллари жўнатди.

Бурадаги руслар сарҳадга яқин яшадиклариндан Афғонистоннинг лисони умумийси ўлан қорсиқа тилни(нг) муқаммал суратда қилурлар.

Тошкандан чикгондан буён хамма ерда бизим мажлисларимиз кизик ва марокли борурди. Чунки аромизда турли-турли миллатлар ўлдиги каби турли-турли лисонда сўйлашувлари ила баробар тўрт хотун киши ўлдигиндан кўб вақтларда мажлисимиз гуллаб-кизуб кетар эди. Баъзи мажлисларда бир тарафда бир-икки киши инглизча сўйлашса, бир тараф да бир-икки киши форси-ча сўйлашур. Бир тарафда бир-икки киши русча сўйлашса, бир тарафда бир-икки киши немисча сўйлашур. Бир тарафда хотунлар бир-бирлари ила харзагўйлик килсалар, бир тарафда бир-икки киши туркча гаплашур эдилар. Баъзи вақтларда бир лисонда сўйлануб тургон сўзни(нг) иккинчи лисонга таржима килдирур эдилар. Аксар вақт бир лисондан иккинчи лисонга таржима килмокга аромиздаги хотунлар сабабчи бўлур эдилар.

29-июнда кеч соат 4 да ужин — кечлик емак вақтинда ўртоқ Бровин Мирзо Рахимхонга хито-бан форси лисонда «Ман сиз халкни яхши билурман, сиз кўп хийлакор одамларсиз, сўзларингизни эътибори йўк. Чунки уч кун бўлди хамон бизларнинг кетмогимиз учун от ва бошка ашёлар хозир ўлмади», — деганда газавангирнинг бири ўлан сиёсат дунёсиндан тарикча хабарсиз Мирзо Ра-химхоннинг ранглари учуб, еб тургон таоми талх бўлуб, ранги ўзгарди-да ва у бир калима ўлсун, жавоб бера билмади. Факат «соиб меояд, меояд» ила кифояланди. Агарда Абдулрахимхон ўрнинда ахволи оламдан хабардор бир киши бўлса эди, шўйла жавоблари верур эди: «Товариш, Бровин! Бошка киши сўйласа хам сиздек мусташир бир киши бўйла сўзларни сўйламасангиз керак эди. Чунки сиз бизим Афғонистоннинг йўллари ила тониш киши эдингиз. Бизнинг йўлларни яхши биласизки, тоглик, чўл-биёбондир. Сизнинг Туркистонингизга ўхшаш бу чўлистонда афтомо-бил ёки оташ аробамиз йўкки, сизни(нг) дархол ўткузуб олуб кетсак. ёки сиз 3—4 кишидан иборат эмассизки, дархол 3—4 от тайёр килуб, миндуруб кетсак. Сиз 24 кишидан иборат хайъати вакола-нинг минмагингиз учун 24 от, олуб борадиргон юкларингиз учун 30 от, сизларга йўлда тикмак учун 15 чодир-хайма учун 15 от, хар хил асбоб ва таомлари(нг) юклаб юрмокга 15 от, сизлари(нг) мухо-фазат килуб кетмокга, оз бўлгонда 50 отлик аскар, буларни(нг) бир ерга жам килгонда 164 от хосил эдар. Бу отлар ила бошка ашёлари(нг) хозирламак учун бизим бу кишлок сипоҳдор хокими, энг оз бўлгонда, 3-4 кун вақт лозимдур», — деб жавоб вера билурди.

30-июнда Мирзо Рахимхоннинг кучи факат ўзига етди-да, кеч соат 5 да ёнига 2 афгон аскарин олуб, сарҳад хокиминдан хабар олуб келмокга жўнаб кетди. Соат 8 да бизим учун хамма ашё ва отлар хозирлик хабарин олуб келди ва Хирот ноиб ал-хукумаси тарафиндан юборилган форси мактубни(нг) ўкуб берди.

Келган мактубнинг кискача мазмуни шундан иборат:

Мухтарам азиз меҳмонлар!

Сизлар учун сарҳадга от, хайма ва хидматкорлар, аскарлар юборилди. 1-июлда сабох соат

8 да Кушқада хозир ўлса керак. Сиз, азизимонлар, шунга караб хозирланувиниз матлубдир. Имзо: Хирот волийси.

1 -июлнинг тонги отди. Туркистондан Афғонистонга борадиргон хайъати ваколанинг дилиндаги энг кизик иштахолардан биринчиси от ила сафар килмок бўлса, иккинчи, Афғонистон сарҳадиндан кечуб, Афғонистон туфрогин кўрмак, аскар, таълимот ва тартиботларин мушохада килмок эди. Ароларинда бир-бирларига бу кумлик, тоглик сахро узоринда афгонлар бизларга каю тарика меҳмондорлик килурлар экан, дея ўз ароларинда сўзлашубда кўярлар эди.

Вактики, соат сабох 8 ни сўкмиш эди, Кушка истансасинда бир юз отлик афгон аскари, 60 адад эгарланмиш отлар хозир ўлдигин кўрдик. Мол ва ашёлар ортмак учун тева кавмига ўхшаш кавм урилган отларга юкларимизни бир онда ортуб, тайёр килдилар. Бизларга минмак учун келтурган отларининг устидаги эгар-жабдуглари том ёврупоча ўлуб, отлари-да энг яхши отлардан эди. Соат 10 да отларга миндукда, Кушка шахрига хайр дея Афғонистон худудига караб равона бўлдук.

Йўлда бизим кетишимиз жуда марокли ва кизик кетиш эди. Олдинда хайъати вакола, оркада юз адад муслих афгон аскари, унинг оркасида 30 отга юклангон ашёларимиз келарди. Биз ила бирга келаётган афгон аскарларининг хаммаси кавалерски милтик ила муслих ўлуб, отлари хам яхши, кийимлари Австрия аскарларининг кийимларининг худди ўзи эди. Факат ранги малла. Оёғларида яхши ботинка, иликларида малла рангда чулгов чулгонгон эди. Бош кийимлари хам малла рангда бўлуб, ўнг тарафига афгон тамго ўткузулгон эди. Бул аскарларнинг кийимларининг Афғо-нистоннинг ўз корхонасида ишланган ашёларидан ўлдиги ўз-ўзиндан маълум эди. Бу Осиё азаматларининг турмушлари ёвруполик ўртоқларимизнинг назари диккатларин жалб киларди. Ичимизда умринда от минмагон, от ила сафар килмагон кишилар хамда бир неча хотунлар ўлдигиндан масофаси 3,5 тош бир йўлни(нг) тай килгунча, она сутлари огзиларина келди. йўл узоринда баъзилар отдан юмалаб-да тушди. Бири йикилуб, кўли чикди. Хотунлардан бири-да отдан юмалаб олди. Кетуб бораётган йўлимизнинг икки ёни паст-паст тоғлардан иборат бўлуб, йўл бу тоғларнинг адирида эди. Йўлнинг бир тарафида кичкина сув хам окуб турар эди.

Алхосил, соат бир яримда Чихлдухтарон исмли бир манзилга эришдук. Чихлдухтарон ила Шайх Жўнайд ароси 22 чакиримлик масофади. Чихлдухтарон хусусида сўрагонимда, Тошкандаги Чихлдухтарон хусусида мардумлар киладургон наклиётни(нг) айна ўзин сўйлаб бердилар. Бурада бизлар учун 15 адад хайма-чодирлар тикилгон кенг бир кўкаламзор майдонга келуб тушдук. Бу майдоннинг хар тарафида фахса девордан ясалгон калъа бор. Бизлар учун турли-турли таомлар хозирлангон, хар бир ишга бошка одамлар-хидматкорлар тайин килингон эди. Чодирлар-ни(нг) ичига кируб, истирохат килдук. Бу чодирларнинг игнасида ифигача ўз корхоналаринда ясалганлиги устиндаги тамгалариндан маълум бўлуб турар эди. Бироз истирохат килганимиздан сўнг хозирланмиш таомларни(нг) алохида таом чодирини мухайё килдиларда, бизларга «Марха-мат кунид, нон тайёр шуд», — дедилар.

Бокинг, бўйла кўхистонда бизлар учун 7-8 турли таом хозирламишлар. Ошубталагон вакти-мизда Кушкада Абдулрахимхонни(нг) хафа килгон ўртоқ Бровин огзига таомлар тотти. Лаззатлик келуб, мундан икки кун илгари кахру газаб ила сўйлагон сўзларин унутди-да, беихтиёр, «Абдулра-химхон соиб, афгонхо бисёр хўб таом пухта мекунад», — деб юборди. Бизларда, берган худога ёкибди, дейинча, икки кун илк захарлик мажлисининг закум тамоларин, огу каби сўзларин эшитган, букун тамиз суфра устида, гариз таомлар олди(миз)да ширин сўзлар сўйланганига таажжуб хандаларимиз келди-да, ках-ках уруб кулишуб юбордук. Ўртоқ Бровиннинг ранги бироз ўзгарди-да, бизлара хитобан: «Чаро ханда мекунад?» **** — деб кўйди.

2-июлда сабох соат 8 да бурадан харакат килдук. Соат 11 да Чордара исмли манзилга етушдук. Бизлар келуб етушганча, хаймадорлар биздан илгари келуб, чодирлари(нг) тикуб, таомла-ри(нг) хозирлаб кўймишлар эди. Афгонларинг тезкорлиги ва чидамлилиги, фидокор, озга каноат килувчи, табиий ва жиддий, жанговар бирхил эканлиглари юриш ва туришиндан, иш ва харакатлариндан маълум бўлуб турар эди.

Бу икки манзил ораси 18 чакирим масофадир.

Чордара кичик бир кишлок. Ахолиси дехкончилик, чорвачилик ила касби маишат килурлар.

3-июлда бурадан харакат килуб, соат 9 да Хожа Милол исмли кишлокга етушдук. Бу кишлокнинг-да ахолиси экинчилик, чорвачилик ила тирикчилик килурлар. Бу икки манзилнинг ораси 18 чакирим масофадир. Бу қарияда Хожа Милол исмли бир кишининг макбараси ўлдигиндан бу кишлок шул мазор исмила тасмия кил(ин)мишдир.

4-июлда сабох соат 4 да бурадан жўнаб, соат 12 да Парвона исмли кишлокга етушдук. Бурада бизларни бир юз қадар мунтазам афгон отлик аскарлари нақоралар, найлар ила қаршу ол-ди(лар). "Бу кишлокни(нг) қадим замонларда Фаргонадан келмиш бир зот бино қилдигиндан бу қариянинг исми ила тасмия қилинмишдир. Бу кишлокда Фаргона отанинг макбураси-да вордир. Афгонлар «сохиб»ни(нг) «соиб» деб юритганларидек, «Фаргона» отани(нг) «Парвона» деб юритурлар эмиш. Бу аскарларнинг оросида туркманлардан ҳам бор эди. Туркманларнинг биридан «Нечук сиз афгонларнинг оросида юрубсиз? Сизлар на вақт бурая келдингиз?» — деб сўрдигим-да шўйла жавоб бердилар: «Вақтоки, Эрон шохлариндан Нодиршоҳ туркманларни(нг) тахти идорасига олгондан сўнг туркманлардан аскар ясаб, Афғонистонга ҳужум қилуб, Афғонистонни(нг)-да тахти ҳимоясини олгон вақтида бир минг уйлик туркманлари(нг) қўчириб келуб, ерлашдирмишдир». Бу ту(р)кманлар афгонча сўйлаша билувлари баробаринда ўз оталарини(нг)-да унутмадилар.

Бу икки манзил ороси 45 чакирим масофадир, бутун тоғ ила чўлдир. Йўлда тоғнинг тор ерлари — дарбандлари бордир-ки, ёз кунларида улов ила юрмок мумкин ўлса-да, киш кунларида юрмок четан ва хавфлиқдир. Бу тоғни(нг) афгонлар Қўҳи Бобо — Бобо тоғи атарлар. Бу тоғ бурадан бошланиб Афғонистонни(нг) шарқ тарафини ихота эдан табиий истехкомлардан ўлуб, шунақаси Қобулдан 4 тош беридан ўтуб кетуб, Ҳиндустон чегарасига боруб, тираладур. Бу тоғ Туркистон учун Афғонистонга бир садои сангиндир, ҳамқандадир. Бу тоғнинг йўлида — дарбандида Истанбул бўғозининг қуйруғидан бу тоғ орасинда (ўтган) йўл узоринда эски замонлар турклар тарафиндан бино қилинмиш Чуқурқалъа исминда бир қалъани(нг) харобаси вордур. Бу қалъа ердан қирқ газ чамасинде қавланиб, ер остига бино қилинмишдир. Тебасида ердан йигирма газ чамаларида юқори ишланган тарзи меъмори Туркистон мадрасаларининг пештоқларининг қўфия нусхасидир. Ичкарасига қирқ зина ила тушиладир. Бир тарафи ҳужралардан иборат ўлуб, ҳаммаси пишган гиштдан ясалган. Баъзи тарафлари бузилгон, емирлгон холда турган кишига гўё бўйнининг эғуб, «Эй, турк уруғлари, (ман) сизлари учун айтарлик тухфалар(ин)данми?» — дея салом берган қаби қийшақуб, қулимсираб турар эди. Бу қалъаи ёнида бир ирмок бўлуб, бу ирмок устига айни замонда ишлангон қўфрукнинг устунлари энг қадим асрлардан эканлигин маъносона изҳор қилур эди.

Бу қалъанинг шарқ тарафинда 3 чакирим қалъадан йироқликда давраси 15 газ чамасида бир минора вордир. Бу тоғ ила Фаргона ота ороси 22 чакирим масофа ўлуб, Туркистоннинг Мирзачўлига ўхшаш тошлиқ, қумлиқ бир чўлдир. Бу чўлнинг ўртасида йўловчилар учун ясалмиш кенглиги 12 газ, бўйи 20 газ чамасида қудук вордирки, бу қудукнингда юқорида мазкур қалъаларнинг биноси ила бир замонда бино қилинмиш, усти пишган гиштдан гунбаз қилинуб ёпилмишдир. Бу қудукнинг суви бу чўлда сафар қилгон кишилар учун нуқул оби ҳаётнинг ўзгинасидир.

5-июлда сабох соат 5 да бурадан чиқуб, соат 8 да Хирот шаҳрига етушдук. Бул икки

манзил ороси 18 чакирим масофадир. Кушкандан то Хиротгача бу йўлдан бошка яна бир йўл бордур. Чихлдухтарондан чикуб Дўги работига келинур. Бул икки манзил ороси 24 чакирим масофадур. Хирот ила Кушканинг ороси бутун тоглик ўлуб, йўл бу тоғларнинг дарбандлари оросиндан кета-дур. Бураларинг ери аксар кумлик, тошлик ўлдигиндан ўсумлик ерлари оздур. Унда-мунда кичик кишлоклар ўлуб, уйлар лойдан ясалгон паст-паст иморатлардан иборатдур. Булардан бошка, унда-мунда овул тикуб ўлтургон кўчмалари-да бордур. Экинлари: бугдой, арфа, жўхори, тарик. Баъзи ерларда беда ҳам экар эканлар.

Буранинг ахолисининг бир кисми экинчилик ила колганлари аёглик мрл-чорбочилик ила касби маишат килурлар. Тоғларнинг устларида адирларида ўтлаб юргон тева, от, корамол, кўй, эчкулар хар одимда кўзга тўда-тўда учрарди. Хозирда Туркистонда аёглик молларнинг уруги куругонлик-дан бир неча йилдан бери бўйла подаларни(нг) кўрмагонлигимиздан, жин кўзига чака чилдирма кўрингонидек, бизим кўзимизга бир турли бўлуб кўринур эди. Ихтиёрсиз, «Ох!.. Туркистон! Бу Ёвропо конхўрларининг оламсўз, оташфишон жaxon мухорибалари натижасида на хола келдинг?!» — дея хўрсинуб-хўрсинуб кўярдик. Баъзи ерларда ковун, хандалак, бодринглар сувсиз битар экан.

Бурадаги муким халк жамшидий хамда хазора, биров афгонларда вордир. Туркистоннинг сархади ўлан Чихлдухтаронда афгон ҳукумати тарафиндан бир рисоладор ила 400 чамасида аскар турадир.

Хирот ила Парвона оросида тоглик йўлдир. Бу тоғлар оросидан чикгонимиздан кўзимизга 9 адад минор кўринди. Бу минораларнинг бир кисмин Шохрух, бир кисмин Мир Хусайн бино килдигин сўйлаюрлар. Бу минораларнинг бир тарафида бино килингон мадраса— замонасининг дорулфунунларининг Хирот шаҳрининг кўргонидан ташкарида ўлдигиндан мархум Абдулрахмонхоннинг замонида инглизлар, «Руслар Куш(ка)дан хужум килса, бура онлар учун олвериш-ли», — дея хаммасини(нг) буздируб юбормишдур. Бу минораларнинг баландлиги 22 газ, айланаси 20 газ чамасидадур. Сар то по ложувардий накшинкорлик ўлуб, жуда эски ўлдигиндан накшлари емируб, барбод ўлмиш эса-да, баъзи ерларинда хатти кўфий ила ёзилмиш оятлар киши онгламаслик даражада ялтираб турадур.

ХИРОТ

Хирот шаҳри энг кадим бир шаҳр ўлуб, Хирирўд наҳри бўйига айланаси бир тош — 8 чакирим, эски замонда ту(р)клар тарафиндан (475 хижрийда салжук туркларидан Жалолиддин Мукдашод) ясалмиш, кўргон ила ихота, атрофи тоғ бир водийга бино

килинмишдир. Якин замонларда афгонлар бул эски кўргоннинг ташкарисидан янги усулда яна икки кат девордан кўргон ясамишлардирки, баландлиги 2 газдир. Бу деворларнинг ташкарисига чукурлиги 10 газ ўрхандак казиб кўймишлар.

Хирот Афғонистоннинг машхур шаҳарлариндан ўлдигиндан бура бир ноибнал-кукума (губернатор) тарафиндан идора килинур. Аскарый ишлар идорасини(нг) ноиби солор (военный губернатор) идора киладир.

Хирот, бир тарафдан, Эрон сархади, иккинчи тарафдан, Туркистон чегарасига якин ўлдигиндан тинч замонларда (мирное время) 7-8 минг аскар тутиладир. Бурада бир юзи ўттиз отиш тўпи вордурки, булардан 84 (таси) кадим замонлардан колмиш огзиндан ўкланадургон (даханпур), колгон 70 адади янги усулда (системада) ясалмиш турли тўплар ва пулемўтлардан иборатдур. Бурада Ёвропо мухорабаси замонида Гирмониядан олингон 40 минг 11 отар милтик (винтовка) дан тўрт минги ўлуб, колгонлари Кобул корхонасида ишлангон биротар (берданка) ила муслихдирлар.

Аскарлар маишати:

Афғонистоннинг аскар олув усули умрийдур. Хозирда аскарга отлик бўлса, бир ойга 32 рупия, пиёдага 20 рупия окча, 2 пуд бугдой берилур. Отлик аскарларга от емига 3 пуд арпа берилур. Агарда отлар ўла колса, тамга босилгон от терисини(нг) ҳукуматга олуб келуб кўрсатуб, отнинг ярим-ёрти окчасини(нг) ҳукуматдан олуб, етмаганини(нг) ўз ёнидан кўшуб, бошка от олурлар.

Кийимлари:

Аскарларнинг киядургон кийимлари ўз ёнлариндан ўлуб, факат вакти сафарда ёки маневра — кўрук замонларида ҳукумат амборидан (интендант) кийим берилур. Аскар сафарга чикгон вактида каю ерга борса, ҳукумат тарафидан кўюлгон кадомдордан арзон баҳо ила озук олурлар.

Афгон халки:

Умуман афгон халки жангжўй, урушок бир халк ўлдигиндан аҳолининг ярок-аслаҳасизи йўк хукминдадир. Милтик, тапонча олмоқга кучи етмаганларининг килич, шоф ва ханжарлари бордур. Буларга кодир бўлмаганларининг кўлларида ойболта ёки шашвар, жуда йўқларининг кўлларида «мархабо таёк»лари бордур.

Кийимлари:

(Афгон) миллий кийимлари узун кўйлак, кенг иштон, калтагина суртукча (жилетка) ила салладан иборатдур. Баъзилари 20 газ иштон, 12 газдан кўйлак килуб киядургомларида вор. Хотунлари бизим Туркистон хотунлари каби сатрга ўралуб юрурлар. Лекин сатрлари бизим Туркистон фаранжисига ўхшамай, кора фардадан иборатдур. Юзларига ок ифдан тўкулгон тўр тутарлар. Афғонистонда, кўпданким, сокол, мўйлаб бахшина хотима верилмишдир. Ёвропо либосини(нг) киймак одат ҳукмина кирмишдир. Уламоларидан тортуб, авомларига кадар калта кийим, бошларина шлафа кўярлар. Кўлларини(нг) фешоналарина кўтаруб, салом верурлар. Бизим Туркистоннинг мутаассиб уламолари Афғонистонга саёхат килса, фойдадан холи бўлмас эди.

Касбу маишатлари:

Афгон халкининг кўби дехкончилик, чакорпочилик ила касби маишат киладур.

Туркистонда ўсадургон хар хил галла ва мевалар мавжуддир. Атрофга мол олуб боруб, олув-сотув ила кун кечурадургонлари-да чўхдур. Хар хил кўл хунарлари илада умр ўткарадургонларида оз дагилдир. Баъзи амалдорларининг киладургон ишлари бизим мархум... замонидан колишмайдур. Отларининг олдида яёв бир-икки «шотир» исмли инсондан мураккаб «хайвон» чопуб юрадир. Каттарокларининг отларининг жиловиди

жиловдор, икки тараф узангиларининг ёнида «рикобдор» исмли «хайвонвлар от чопса, чопуб, йўртса, йўртуб кетадур.

Аксари ерлар тоглик-тошлик ўлдигиндан ўсумлик ерлари озлик сабабли оч-ялангоч халк нихояда кўпдур.

Афгон халки мазорларга ихлос киладиргон, мазор устларига кўчкор шохи кўядиргон, ок-кўк латталар бойлайдиргон, тумор ва бозубанд токодургон эмишлар. Баъзи катта-катта «кирнил-мирнил»ларингда билакларига тумор ва бозубанд токилгонин кўруб хайрон колдук.

Тўгри келуб, Калъаи Тупроккўргон ичига кирдик. Бурада бизим Хирот ноиб-ал-хукумаси ила ноибус солор бир минг кадар муслих аскар ила 7 маротаба тўф отуб каршу олди. Бу аскарларнинг хаммаси 11 отар милтик ила муслих эдилар. Булар ила саломлашгандан сўнг калъадан 2 чакирим йирок тог якинида бизлари(нг) Боги Шохий исмли богларига олуб боруб тушурдилар. Бу богнинг жануб тарафига мунтазам шарк усулида ясалган икки кат иморат, ичи 4 ботмон чамасида мевазор, гулзор, бир тарафи фахса девор ила ихота, фарахбахш бир бог эди, Бу богнинг ўртасида биридан бирига сув окадургон 4 ховуз ўлуб, бу ховузлар ичида кирмизи баликлар бир-бирлари ила ўйна-шуб юрурди. Хаммамиз шу богдаги хоналарга ўрнашдик. Таом вакти етди. Турли-турли таомлар, хар хил мевалар хозирлаша эдилар. Еб-ичуб, ўз хонамиза мурожаат килдук. Истирохат килдук.

7-июлда ҳукумат пойтунларига минуб, бозор тамо(шо)сига кетдук. Бозорларининг растаси у кадар торки, бизим Туркистон аробаси юрмоги мумкин эмасдир. Бураларда ароба деган нимарса мутлак йўк хукминдадир. Факат ҳукуматга махсус бир-икки пойтун ила 5-4 хўкуз аробалари вордир. Алхосил, бозор ичига пойтун ила кирмок мумкин ўлмади. Оркамизда бирга келган аскарларнинг отларига минуб юрмокга мажбур бўлдук. Расталари-да мунтазам ўлмауб, дагдошнинг кафшига ўхшаш пойма-пой эди. Бир дўкон читфуруш, ёнида кафшфуруш, унинг ёнида аттор, унинг ёнида баккол — аралаш-куралаш эди. Кўчалар бутун хифзи сиххатга мугойир, ифлос, чанг-губор. Одим ерда кўча тарафга хонадонлардан чикорилгон (а)(хла)(т)ларнинг бўйига инсон боласи токат килуб юра билмайди. Тиланчилик у кадар кўбки, боз у кўчаларда сизни(нг) кўз очиргони кўймайдур. Бизим йўлбошчи афгон биродаримиз бозор ичидан далага олиб чикуб кета бошлади. Ман тўхтатуб, «Мирзо соиб, бизлар(ни) каён олиб борурсиз, бизларнинг бозордан оладигон нимарсаларимиз бор», — десам, ул манга караб: «Соиб! Бизим Афғонистоннинг расму таомили сизнинг Туркистоннинг расмига ўхшаган эмас. Четдан келган кишилар ким бўлса бўлсун, бозордан мол оладургон бўлса ноиб соибдан рухсатсиз ололмайдилар. Бир бошка куни ноиб-ал-хукумадан ижозат олуб, сўнгра келуб олурсиз», — деди. Мен хамрохларима русчалаб ахволни маълум килдим. Онларда таажжубга колуб, иккинчи йўл ила «Жаннатда кўрмак бор, емак йўк экан», — дея манзилимизга мурожаат килдук.

8-июлда ноиб-ал-хукуманинг хузурина меҳмон бўлдук. Чахорбог исмли ҳукумат ўрдасида бизларни(нг) 300 мунтазам аскар ила каршу олдилар. Тарзи меъмори шарк усулида ясалган Чахорбог ичида хонада бизлар учун улуг зиёфат верилди. Бутун Хиротнинг ҳукумат арбоблари ушбу ош мажлисина чакирилган эдилар. Ошдан сўнг сиёсат оламиндан сўзлар бўлуб, бизлар бироз нутклар сўйлашдук. Сўнгра мажлисга хотима верилди. Ўз манзилимиз(га) кайтуб келдук.

10-июлда ноиб-ал-хукума бизим манзилимизга меҳмон бўлди. 2 соат ўлтуруб бизлар ила бирга боргон хонимларга бир неча адад тарихий, эски замонлардан колгон брошка ва

тангалар хадя килуб хайрбод килуб кайтуб кетди. Мақсади аслимиз ўлан Кобулга жўнатмокга бир кун мулло Бровин боруб ноибдан сўраса-да, кетмогимизга то Кобулдан фармон келмагунча юрмогимизнинг мумкин эмаслигин хабарин олуб келди. Кобул хабарин кутуб бир неча кун мунда колдук.

22-июлда Кобулдан бизларнинг юрмогимизга фармон келдигин ноиб тарафиндин маълум килинди.

23-июлда мажрух бўлуб Чоржўй касалхонасида колгон ўрток Иванўф икки ёвари ила яхши бўлуб келуб колди.

23-июлда ноиб-ал-хукума келуб, яна бизлар ила кўришуб, сўйлашуб, хайрлашуб эртаси кунга сафарга хозирлик кўрмогимизни(нг), афгон ҳукумати тарафидан ҳамма хозирлик мукамматл суратда тайёрландигин маълум килуб, бизлар ила бирга кетмокга Абдусатторхонни(нг) меҳмондор таъйин килингонлигин маълум килуб, жўнаб кетди. Букун ҳаммамиз-да мақсади аслимиз ўлан Кобул жўнамोकга хозирланнурдик. Бу кеча йўл хусусида музокарамиз ўлди.

Хиротдан Кобулга уч йўл ўлуб, биринчиси Кандахор йўлидирки, 56 манзил (работ) ўлуб, масофатан 1846 чакиримдир. Иккинчиси, Хазора йўлидирки, 31 манзил (работ) ўлуб, масофатан 1000 чакиримдир. Учунчиси Мазори Шариф йўлидирки, масофатан 1556 чакирим ўлуб 46 манзил (работ)дир. Бошка йўлларга караганда Хазора йўли тоглик ва хавфлик ўлса-да, якин ўлдигиндан, хар чи бода бод, дея Хазора йўли кетмокга жазм килдук.

24-июль сабох соат 6 да ҳаракат килуб, соат 10 да Поли пири исмли работга боруб тушдук. Бу работ ила Хирот ороси 4 тош 32 чакирим, 8 куру бўлур. Бизим бу сафаримиз хакикий ҳамда энг марокли бир сафар эди. Чунки 25 хайъати вакола(т)дан бошка бизларга тайин бўлгон меҳмондорнинг тахти идорасинда 5 чойдор, 7 ошфаз, 4 фаррош, 6 меҳтар, 4 тахта равончи, 5 кадамдор (бор) эди. Мундан бошка бизлар ила бирга кетмок учун тайин бўлгон кўми(н)дон аписарнинг тахти идорасинда 25 отлик аскарда вор эди. Мундан бошка юкларимизни(нг) ортгон корвоннинг 45 оти ўлуб, жамъан 128 отлик бирдан ҳаракат килдимиз эди.

Бизим бу келуб тушгон манзилимиз икки таноб — 800 мураббъ сажен чамасида ўлуб, бир тарафи меҳмонхона ўлуб, ўртасидан девор ила айрилгон, иккинчи тарафи отхона ўлуб, бу(нинг) бир тар(з) ҳукумат тарафидан галла-озуклар сакланадургон кадом омборхонадан иборат эди. Тарзи меъмори бизим Туркистоннинг мадрасаларининг хужраларининг айнидир. Бураларда йигоч камёб ўлдигиндан биносининг ҳаммаси хом гишдан, томининг устида гумбаз килинуб ёфилмишдир. Бу работларнинг ҳаммаси бир суратда, бир колибда, бир усулда ишланмишдирки, бириндан иккинчисига кўчуб боргон киши аввалгисиндан иккинчисини(нг) айирмокга буюк зехн сохиби ўлмогин такозо эдар. Хар бир работда ҳукумат тарафиндан кўйилмиш бир арбоб, бир кадомдор ва хар бирининг хидматинда бир неча хидматкорлар вордир.

Арбоби ҳукумат соликларин халқдан йигуб кадомдор кўлига топшураб. Кадамдор бу йигилмиш озука ва бошка нимарсаларни(нг) ҳукумат тарафиндан юрадургон кишиларга ва хусусий йўловчиларга катъий ҳамда арзон баҳо ила сотуб, окчасини(нг) ҳисоб юза ҳукуматга топшураб экан.

Афгон ҳукуматин «казонний» нимарсаларининг исмини(нг) «саркори» исми ила юритур экан. Масалан, отларини «аспи саркори», идишларини «зуруфи саркори», чодирларини «хаймаи саркори» каби.

25 июлда сабох соат 4 да бурадан чикуб соат 10 да Турон исмли работга бордук. Бу икки манзил ороси 6 тош 12 куру, 48 чакирим йўлдир. Бизим йўл узоринда кетувимиз гўзал бир кетиш, суюмли бир юриш, марокли бир саёхатлар эди. Чунки бизлар турли-турли миллатлардан мураккаб ўлсамиз-да, аромизда мухаббат ва муваддат барпо ўлдигиндан бир шокилаи инсон ўлан, бир тўда инсон югунтаси ташкил эдан юриш хар хил назариётлари пешгохи назарга келтуради. Хусусан, отларинг аёгларининг тогларинг тошлари(н) гумбурлатуб уран замонларда чикгон садолар, кўз ва ниятлар олам-башарият(н)инг хиссияти ижтимоийясин на кадар гўзал, на кадар суюмли ўлдигин бир мисоли мужассами эди. Бу кўрувиятлар, бу садолар, бу гулдурослар шўйла чукур-чукур хиссиётлар сездиради. Гўё биза:

«Эй, мухталиф одам болалари! На учун сиз бу кадар бир-бирингиза душман ўлдингиз? Токайгача бир-бирингизни конларингиз ичажаксиз? Токайгача бир-бирингиза душманлик ва хакорат назари ила бокажаксиз? Токайгача хаёти ижтимоийянинг йўлларина хобил ўлажаксиз?! Йўк! Бу фикрингиздан кайтингиз! Бу рафторингиздан ўсонингиз! Бу мутаассиблик, бу жахолатингиз берикингиз! Бир кун келур, бу этдигингиз, бадкирдорингиздан пушаймон ўлажаксиз! Лекин сўнг ўнгажагингиз фойда вермаз!» — садоларин англатадур:

назм

На кўрди дунёда инсон бузук бу ихтилофиндан,

Тугулди турли шўришлар маишат ихтилофиндан.

Бўлуб бир-бирга душман кун кечурди, кўрмади рохат

Кирилди, махв ўлди, кечди улфат иттифокиндан.

Ойилди молу сарватдан, кариб ўлди шаковатга

Йирик кетди адолатдан хама миллат хилофиндан.

Банда Хиротдан чикгон кундан бошлаб огримишдим.

Иккинчи куни от устида юрмокга дард йўл вермади. «Тахта равон»га тушуб юрмокга

мажбур ўлдим. Бу афгонларинг тахта равон исмли аробалари Туркистоннинг ўлук

кўтарадургон анбарларин ўзгинасидир. Факат айирмаси узун-кискалигиндадур. Бу

аробанинг бўйида, энида бир ярим газ ўлдигиндан инсон ичинда аёғ узатуб ётмок(и)

имкон хорижиндадир. Бу аробанинг олди ила ортига икки от кўшилуб «равон» килинур

экан. Мабодо бу отлар йўрта колса, ичиндаги одам сог бўлса, огруб, огрик бўлса, ўсал

бўлуви табиийдур. Бу «рохатижон маофа»да бир кун юргондан сўнг тавба ва

тазарруълар ила эртаси от минуб юрмокга мажбур бўлдим.

26-июлда сабох соат 5 да бурадан чикуб, соат 12 да «Мизво» исмли работга тушдук. Бу икки манзил ороси 7 тош, 14 куру 56 чакирим бўлур.

27-июлда сабох соат 4 да бурадан чикуб соат 10 да «Ўби» ёки «Хўби» исмли работга тушдук. Бу икки манзил ороси 6 тош, 12 куру 48 чакирим бўлур.

28-июлда сабох соат 5 да бурадан чикуб, соат 11 да «Шоилон» исмли работга тушдук. Бу икки манзил ороси 5,5 тош, 11 куру, 44 чакирим йўлдир. Бурадан Хўбони санги кирдор исмли мазор вордир. Афгонларинг наклларинча, мундан 7 юз йиллар мукаддам бурада бир «аждахо» пайдо бўлуб, кўб кишилари(нг) нобуд килмиш. Охирда бу мазор сохиби бир неча киши ила келуб, фалахмон тош ила уруб ўлдирмишдир. Бу мазорнинг устига афгонлар ўн пут чамасида келадургон юмок бир тошни(нг) келтуруб кўймишлар. Бу работнинг исмини(нг) «Шоилон» кўйилувин шул сабаби мабнии дея сўйладилар.

Бу работнинг бир ёниндан катта сув ўтдигиндан чикуб, тўфанг ва бўмба ила балик ов

килдук. Бир бўмба ўрток Иванўфнинг ёвари ўлан австрия(ли) Волпрамнинг кўлинда
портлаб ўнг оёгиндан мажрух бўлди. Иванўфнинг иккинчи ёвари Афаштин огрик бўлуб, 2
ўз аскаримиз, 2 афгон аскари ила Хиротга «тахта равон» ила кайтуб кетди.

29 июлда сабох соат 5 да бурадан чикуб соат 11 да Хожай Чаштга етишдук. Бу икки
манзил ороси 5,5 тош, 11 куру 44 чакирим йўлдир. Бу работдан бир тош масофада Хожай
Мавдуд исмли мазор вордир. Ушбу мазорнинг бир тарафинда санги мармар узорина
ушбу байт ёзилмишдир:

Эй дил, ба хуш бошки, одам тамом рафт,

Пиру жавон, шоҳу гадо, хосу ом рафт...

Бу зотнинг лакаби Чошти ўлуб Хожа Чашти исмила маъруф ўлдигиндан бу кария ҳамда
бу ердаги работнинг исмида Хожа Чашти исмила юритилмишдир.

Бурада эски замонларда жаҳонгир турклар тарафиндан ясалган миноралар,
мадарасалар, масжидлар, шарк усулида бино килинган кўргонларинг харобалари
вордир. Бу харобаларинг илк замонда турклар бино килдигин шул кариянинг мўйсафид
одамлари сўйладилар.

Бу кабрининг бош тарафина санги мармар узорина ушбу сатрлар муҳрдур:

Офтоби сипехри фазлуллох

Орифи баргузидаи маъбуд.

Сарвари оли саййиди кавнайн,

Садри султон Кутбиддин Мавдуд.

Гавсул аъзами амин хазрати ҳақ

Кутби дин, подшоҳи соҳиби жуд.

Шайхӣ оламкӣ, аз жалоли шараф,

Хайма зад барфарози чарҳи кабуд.

Хожай Мавдуд Чаштий, онки, фалак

Пеши кадраш киходи сар ба сужуд,

Хисравонаш гуломи даргоҳаш,

Хаст чун арши каъбаи максуд.

Муҳлисонаш ба ҳар ду кавн азиз

Мункиронаш зи фазли раб мардуд.

Ояти аржаи 3-ҳақ чу чашид,

Мурғи руҳаш ба садри бол кушуд.

Сад фиғон аз жафоу жаври сипехр

Ки ба кас жуз жафо вафо на намуд.

Аз хирад жуст соли фавташро

Сорамий ин бино чу мефармуд.

Дод фосихи хирад зи-ризвон гуфт:

Кудси олло сирриху Мавдуд.

тарихи вафоти 555

Кабрининг аёғ тарафина санги мармар узорина ушбу сатрлар муҳрдур: (назм)

Шоҳеки азиз карда маъбудааст,

Гавсеки амин офият маҳмудааст.

Шайхеки дараш каъбаи максудааст.

Султон Саййил кутби дин Мавдудааст.

Он хожаки, мири коинот аз жудааст.

Махбуби илох ин замин мавжудааст.

Чаштастки хожатгахи хар неку ва рост

Чун рухи малак равзаи он пурсуд аст.

Эй Сорами, аз химмати султони жахон

Дар рӯи замин Чашт якин донки беҳишт аст.

Бу кабрининг узорина йигочдан ясалмиш фанжара мундан 783 йил илк ўлсада, холо бир ерида бузилмамиш хамда ойина каби яраклаюр. Бу фанжара ул вақтдаги устоларинг сўнг даража нафискор ва мохир ўлдикларин англатадур.

30-июлда сабох соат 5 да бурадан чикуб, соат 11 да Хори зор исмли работга тушдук. Бу икки манзил ороси 6 тош, 12 куру, 48 чакирим масофадур. Бу работда Бровин хайъати ваколага Тошкандан таржимонлик сифати ила чикгон Хиндистоннинг хакикий социалистлариндан ўлан мавлавий Зикриё афандини(нг) арзимаган ишдан сабаб топуб, ичкари ховлидан ташкарига кувлаб чикорди хамда кўб ўринсиз хакоратлар килди. Банда Тошкандан чикгондан Зикриё афанди ила унсият пайдо килдигимдан хамда то ушбу манзилгача бир(га) ётуб, бир(га) туриб келдигимдан бу хўр-ликга мен-да шерик ўлдимда, мен хам Зикриё афанди ила ташкари хонага чикмокга мажбур бўлдим.

31-июлда сабох соат 3 да бурадан чикуб, соат 12 да Танги азоб исмли работга боруб тушдук. Бу икки манзил олис ўлдиги ила баробар, хаммаси баланд-баланд тоғлардан иборатдир. Бошқаларга караганда бу манзилнинг йироклигин сабаби, бу тоғларнинг орасида работ солишга лаёкатлик ер ўлмадиги хамда бураларда кария, кишлок йўклигидир. Бирдан бир кунда дам олмасдан от устида бир ўлтурганча 9 тош йўлни босмаклик на кадар огир ўлдиги табиий ўлдигиндан бу кечадан бир неча кишиларим(из) огруб чикдилар.

Бу манзилдан тахминан 3 чакирим йирокликда тоғнинг тефасида Банди Жамшиди исминда бир ер вордирки, 3 мураббаъ саржин бир тош узорина иброни хати ила ёзилмиш бир мактуб вордир, Мундан 4 йил мукаддам Германия тарафиндан келгон хайъати вакола (посол)лар бу хатнинг кўфиясини(нг) сурф ила олуб кетмишлар. Бу тош тоғга муттасил бир тарафга мойил ўлдигиндан хамда чўк эски замондан колмиш асар ўлдигиндан хамда устина кўб замонлар кор-ёмгурлар ёга-ёга харфларинг баъзи ерлари ўкуб бўлмаслик даражасига келмишдир. Аммо баъзи харфлар очикдан очик хатти иброни ўлдигина мусбитдир.

1-августда сабох соат 5 да бурадан чикуб соат 8 да Чангаобод исмли работга бориб тушдук. Бу икки манзил ороси 3 тош, 6 куру, 24 чакирим йўлдир.

2-августда сабох соат 5 да бурадан чикуб, соат 10 да Гузарфам исмли работга боруб тушдук. Бу икки манзил ороси 4 тош, 8 куру, 32 чакирим йўлдир. Бу работнинг рўбарўсида бир кабр вор. Устина ёзилмиш тарихи сана хижрий ила 133 да вафоти маълум ўлса-да, хожининг исми маълум эмасдир. Афгонларда исмини(нг) ким ўлдигин билмас эканлар.

3-августда сабох соат 5 да бурадан чикуб, Тийра булук исмли работга боруб тушдук. Бу икки манзил ороси 4 тош, 8 куру, 32 чакирим масофадур.

4-августда сабох соат 6 да бурадан чикуб, соат 12 да Охангарон исмли работга боруб тушдук. Бу икки манзил ороси 6 тош 12 куру, 48 чакирим йўлдир.

5-августда сабох соат 6 да бурадан чикуб, соат 9 да Кохи исмли работга боруб тушдук. Бу икки манзил ороси 3 тош, 6 куру, 24 чакирим масофадир. Бу манзилда Хирирўд нахрининг сохилинда манзаралик бир ерга бино килинмишдир.

7-августда сабох соат 5 да бурадан харакат килуб, соат 2 да Давлатёр исмли работга боруб тушдук. Бу икки манзил ороси 9 тош, 18 куру, 72 чакирим масофадир. Бу манзил Хирот ила Ко-булнинг сархади (чегара)си ўлуб, бурада Хирот туфроги тамом бўлуб, бу ердан бошлаб Кобул туфроги хисобланур.

Хиротдан то Давлатёргача йўллар узоринда тоғлар оросинда ватан эдан халкнинг аксари тожиклар ўлуб, бироз афгонлар-да вордир. Бунларнинг касби маишатлари экинчилик, тўрт оёглик мол-чахорпочиликдир. Хар одим жойда гурух-гурух ўтлаб юрган тева, йилки, кора мол, кўйлар кўрилмокда эди. Экинлар эса бугдой, арфа, шоли, мошдан бўлак майда кўк экинлари-да ора-сира кўрилурди. Аммо дарахт, мева йўк хисобиндадир. Экинлари нихоятда яхши битган эди. Маълумотлик кишиларинг сўзларига караганда, агарда чет давлатга сотилмаса, бу йил Афғонистонда битган галланинг бир неча йилга етажагин сўйлардилар. Аёглик молларнинг кўплигина далил бир катта кўйни(нг) 4 рупия, 12 танга бухорига берур эдилар. Яхши отлар 500 рупиядан тортиб 50 ру-пия(гача), 150 тангаи бухорига йўлга ярайдиргон, минса бўладиргон отларни(нг) ўз ичимиздан олгон кишилар бўлди. Сигирнинг бахоси 100 рупиядан тортуб 25 рупиягача эди. Бугдой, арпаларнинг бахоси бир пути бир ярим рупия ўлуб, шунга хам оладиргон киши топилмас экан. Дехконларнинг бир неча йилги галлалари бов устига бов ўлуб, босилиб ётмишдир. 8-августда сабох соат 5 да бурадан чикуб, соат 12 да Кизил исмли работга боруб тушдук. Бу икки манзил ороси 7 тош, 14 куру, 56 чакирим йўлдир. Буранинг работи иморатлик ўлмадигиндан чодирлар тикилиб, бу кечани(нг) чодирлар ичинда ўткардук. Хиротдан то ушбу манзилгача иссиғ хавода келмуш эдик. Бурада ўйла бир совук хавога дучор ўлдуки, кўб кишилар кечанинг совуклигиндан юруб тонг оттирдилар. Бул манзилгача саратон хавосинда келуб эдук. Бурадан бошлаб ул бахор хавосига дучор ўлдук. Бураларда арфа, бугдой эндигона ердан чикуб келаётибдир, Холбуки Хиротда ковун-тарбуз еб келмиш эдук. Давлатёрдан бошлаб, бураларда паст-паст да-рахтлар кўрина бошлади.

9-августда бурадан сабох соат 6 да чикуб, соат 10 да Лаъл исмли работга боруб тушдук. Бу икки манзил ороси 4 тош, 8 куру, 3 чакирим йўлдир.

Ютавгустда сабох соат 6 да бурадан чикуб, соат 9 да Кирмон исмли работга келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 3 тош, 6 куру, 24 чакирим масофадир.

Давлатёрдан бошлаб то Кобулгача йўл узорина ва тоғ ораларинда ватан эданларинг аксари хазоралардир. Бироз тожиклар-да вордир. Бунлари(нг) «Барбари» исми илада юритулур.

Бу халкларинг киёфатлари ва кийган кийимлари, хотунларининг бошидаги «дакана»лари, эрларининг бошидаги телфак-бўрклари, алхосил бутун турмушлари бизим Туркистон киргизларининг айна ўзгинасидир. Хеч бир ерда ойирмалари йўқдир. Факат ойирмалари лисонлариндадир. Бунлар форси лисон ила сўйлашурлар, турки билмазлар. Хазораларинг мўйсафидларининг сўзларина караганда, бунлар Чингизхон замонасида келуб, бураларда ерлашиб колмишлар. Асл ватанлари Туркистоннинг Бахри Хазар тарафинда эмиш. Лисонлари, Нодиршоҳ ва Шох Аббос бураларинг истило килдигин замонида форсилашмиш хамда мазхабларида шиъалашмишдир. Бунларида афгоклар оросинда мазхаб даъволари хукмфармодир. Илм ва маорифсизлик натижаси ўларок кадим замонларда бизим Туркистонда ту(р)клар ила киргизлар оросинда шўйла кабила низолари оросиндаги ўр-водий бутун тева, йилки, кўй, корамоллар ила тўлгон эди. Бунларинг бола-чакалари ила, мол-ашёлари ила узундан-узог бўлиб кетишлари бо бир-бирлариникг бакируб-чакиришлари, кўйларнинг, кўзиларнинг маъраши, отларнинг,

тойларнинг кишнаши, теваларнинг, бўталокларинг-ўнграши хар кимнинг назар-диккатини(нг) ўзига жалб килурди. Лекин бунлари ичинда ёш йигитлар оз кўринарди. Яроглик йигитлари хаммаси мухорабага кўнгилли бўлуб кетганлигин сўйладилар.

Бу кетиш манзарасининг энг гўзал ери, инсоннинг диккат-назарини жалб этадиргон жойи уч-тўрт яшар ёш-ёш болалар шўйла баланд-баланд тоғлардан, тошлар оросиндан пилдираб, бошланг, оёкяланг, оналариндан оталариндан илгарига тушуб, чопа-чопа кетарлар эди. Бунларинг хаммалари Кобул атрофинда яшайдиргон афгон кўчма халклариндан эди.

16-августда сабох соат 6 да бурадан чикуб, соат 11 да Элбанд исмли работга келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 5 тош, 10 куру, 40 чакирим йўлдир, Бу манзилдан бир тош масофада Элбанд дарёсиндан кечуб ўтдук.

17-августда сабох соат 6 да бурадан чикуб, соат 12 да Рогул исмли работга келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 6 тош 12 куру, 48 чакирим масофадир.

18-августда сабох соат 6 да бурадан чикуб, соат 10 да Боди Осиё исмли работга келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 4 тош, 8 куру, 32 чакирим йўлдир. Бу манзилда олма, ўрук эндигона пишгон эди. Олма-ўрукларнинг бир ман — 8 кядоги бир рупиядан эди. Демак, бурада бахордан чикуб, жавзога кирдук.

19-августда сабох соат 6-да бурадан чикуб, соат 10 да Човгил исмли работ(га) келуб тушдик. Бу икки манзил ороси 4 тош, 8 куру, 32 чакирим масофадир.

20-августда сабох соат 6 да бурадан чикуб, соат 11 да Сарчашма исмли работ(га) келуб туш-дук. Бу икки манзил ороси 5 тош, 10 куру, 40 чакирим йўлдир. Бурада Имом Абу Жаъфар Содикнинг зиёратгоҳ макбараси вордир. Ва бу зиёратгоҳ ёнида тўрт чашма хавзлар вордирки, хар биринда мингларча баликлар сузишиб ўйнашиб юрур.

21-августда сабох соат 6 да бурадан чикуб, соат 11 да Кўхи Хаштрўга келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 5 тош, 10 куру, 40 чакирим йўлдир.

Шул куни соат 12 да бурадан чикуб, соат 3 да Козикалъя исмли работга келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 4 тош, 8 куру, 32 чакирим йўлдир.

Хиротдан бошлаб, то Кобулга келганча йўлларда у кадар мазор кўпдурки, йўлнинг хар икки тарафи бир мазористон манзарасин ташкил эдар. Йўллар тоғ-тошлардан иборат ўлдигиндан чукур казулуб, кўммокмумкин ўлмауб, ўлуклари атрофигатош теруб, устигатош бо(с)тируб кўяр эканлар.

Бу Хазора йўли Кобулнинг энг якин, энг каттик, энг катнов йўли ўлдигиндан халк чумолидек ўлуб турар экан. Бу бир ойлик йўл оросида тиббий ёрдам йўклик сабабли огиррок касал бўлгон кишиларни(нг) йўлнинг бир четига ёткизуб, устига тош бостируб кета берар эканлар.

22-августда сабох соат 9 да Кобул(дан) юборилган «коди» пойтунларга ўлтируб, «Кобул» шаҳрина дохил бўлдук. Йўлда бизлар учун тайин бўлингон меҳмондорлар бизлари Махтоб богига тушуриб, мусикий бир юзга якин отлик аскарлар ила расм-гимн(?) ижро килуб, бизларга чой тутдилар. Бу Махтоб богига бир соат(лик) чой-зиёфатдан сўнг такрор аробаларимизга минуб, бир неча хайъати вузароларинг бизлара пешво(з) чикмоклари ила эхтиромлар сўнгида Кобул шаҳрида энг машхур ўлан Боги Мустафога ерлашдук. Ерлашган хоналаримиз мукаммал Еврупо усулида ясалмиш бинолар ўлуб, уй ашёларида том ёвропоча эди. Бизим учун тайин ўлгон меҳмондор, ошпазлар-да, таомларимизи-да ёвропоча хозирлаб берур эдилар.

Бир неча кунлик сафар машаккатин истирохат килуб азола килдук. Бу арода Англетара

давлати ила Афгон ҳукумати оросинда олти ойга муторака килинуб, мухорабага хотима верилдигик очик суратда англадук.

25-августда Англетара давлати тарафиндан Кобулга бир хайъат келмиш дея бир хабарни Бровин сўйламиш эди. Бу хабарни(нг) собик Кушка коменданти 26 августда сиёсий кўмисаримиз ўлан Зиборўфдан рухсат олуб, нозири хорижи Махмуд Тарзи афандининг хузурина воруб ахволот олдим. Ярим соат суҳбатдан сўнг бу шойеъ ўлан хабаринг аслсиз ўлдиги очик маълум бўлди. Бу хабаринг аслсиз ўлдигин келуб, хайъати ваколамиза сўйладим. Бу хабаринг не сабабдандир. Бровин тарафиндан сўйландигиндак аслсиз ўлдигин аввалан ҳозирда Кобулда мусулмбн динини(нг) хоту-ни ила кабул килмиш Севаладатскидан наклан сўйламиш эди. Келуб сўйлагон вақтимда ўрток Бровин манга такфир назари ила боқуб, бир неча калима нолайик сўзларни-да сўзлади. Банда сукут этмокдан бошқа чора йўламаюрдим.

28-августда но(зири) хорижи Махмуд Тарзи афанди бир неча кишилар ила бир хайъат (ўлуб) Афгон ҳукумати тарафиндан бизлари табрик килмокга келдилар. Ароларинда Хиндистон инкило-бин кўмита аъзолариндан-да киши бор бўлуб, харбия мактабининг мудир Висоми афандида бор эди.

Бир соат суҳбатдан сўнг табрик мажлиси хотима верилди.

30-августда Махмуд Тарзи афанди бир хайъат ила бизим хузуримиза ташриф буюрдилар. Суҳбат асносинда «агитация» килмасликга ҳамда брошура— инкилобий рисоалар таркатмаслик-га бизлардан сўз олуб, минбаъд бозор ва кўчаларга Чикмокга ва кезмокга ҳукумат тарафиндан рухсат ва изн ўлдигин маълум килуб кетди.

Ийди курбоннинг 3-куни амир соҳиб ила кўришмак муқаррар ўлса-да, шул кунларда Кобул шаҳрида вабо кўзгалуб, бир неча кишилар вабо касали ила огриганликлари мушоҳада килиндигин-дан амир ийд кунларин шаҳардан ташкари бир кишлокда ўтқардигиндан кўришмоғимиз кейинга чўзилди. Аммо бу миёналарда ўрток Бровин — «хусусий амир» ила бир неча маротаба суҳбатда бўлинди.

1-сентябрда ҳукумат тарафиндан тайин килинмиш афтомобилларга минуб, амир Хабибуллоҳон бино килгон Чихл сутун исмли богга бордук. Бу бог Кобулнинг машҳур боглариндан ўлуб, тамом Европо усулида бир кичик тоғнинг устига бино килинмишдир. Бу бинонинг атрофи турли мевалар ва гулзорлар, йўллар йўлка ила зинатланмиш ўлуб, хонанинг ичларидаги Аиёлари-да том Ёвропо асбобларининг сўнг даражадаги усул(и)да-(мода)-да ясалмиш ашёлардан эди. Хона ичла-рини мукамал мўрча водапровод — сувмошинлар ила зийнат верилуб, жануб тарафинда хона-нинг сахни узорида бир понтон сув шалоласи-да бино килинмиш эди. Бу иморатнинг устида ўлтир-ўлуб, иш бошина киргиз минганда, турклари(нг) исканжа оросина олуб, иш бошина турklar минганда, киргизлари(нг) тутуб, бечора киргизларинг тили «бугдой»га келмай «буйдай» дея бош кесувчилар, кон тўкувлар бўлгани каби Афғонистонда ҳозирда ҳам хукмфармо ўлан «сунний-ший» мунокашалари ва Бухородаги «жадид-кадим» даъволари каби бу ислом ҳукуматининг тахти идорасинда ўлан бу икки хил кавм бир-бирлари ила анису улфат тута билмас эканлар. Аро-сира бир-бирларига ҳақорат, назари ила боқиш бир тарафда турсун, отишув, кон тўкишувлар-да бўлуб турар экан. Бунларинг қабила даъволари ул замонларда биров сустангон бўлса-да, мундан 25 йил муқаддам марҳум Абдурахмонхон замонинда бутун ҳазоралар бирдан ҳукуматга ёғий бўлуб ҳукумат ила бир неча вақт урушгонлариндан сўнг хар тарафдан аскар келуб, бунларинг 480 кўргон-калъаларин ер ила яқсон килинуб, ўзларин киличдан кечурилмишдир. Мана бу воқеа сўнг яна оролариндаги қабила даъволарина қучаюб,

хозирда хам бир-бирларина кийшик кўз ила бокув хукмфармодир. Шул сабаблар(га) мабни хазоралардан аскар олинмаюб, факат кора хидматларгагина ишлатилар экан. Аммо хазора кишлокларининг бошлуклари арбоб, элбош, закотчи, кадомдор, хазиначи ва буларнинг тахти химоясиндаги хидматчилар хазораларнинг ўзлариндан кўйилар экан. Арбоб кўл остиндан фукародин йигилгон ушр ва хирожлари(нг) жамъ килуб, кадомдорга топшурар, кадом-дор бунлари(нг) сотуб ёки моллик холатинда хукуматга топшурар. Тартиб ва низомлари яхши ўлса-да, олингон маълумотларга караганда, кечадиргон болтанинг софи ўзидан бўлгонга ўхшаш, хазораларинг ўзлариндан бўлгон кадомдор — арбоблари хукумат буйругида(н) ортукча ушр ва хирож олуб, бечора фукарога жабру зулм килур экан. Аммо мол-дор, давлатманд кишиларга бўйла жабр-зулм кила олмадикларин, бутун огирлик, факир-фукаро-нинг устига тушгонлигин кўз ёш ила сўйлагон кишилар бўлди. Хатто уятларида яхширок кийимлар, остларида яхширок отлар бўлса, зўрлик килуб, тортуб олар эканлар. Туркистонликларнинг «Ўй-нашма(гил) арбоб ила, арбоб урар хар боб ила» дея сўйлайдиргон зарбулмасаллари шўйла арбоб-лар хакинда (б)ўлса керак.

Хазоралар бизинг Туркистон киргизлари каби кўчма ўлмай, хаммаси тургундир. Кўчмалари ниҳоятда оздир. Умуман афгон халкларининг кўчмалари бутун йил бўйи кўчуб, умр ўтқарар экан, чунки Афғонистонда йилнинг тўрт фаслинда-да баҳор бўладиргон ерлари бор (э)кан. Бир ерда агар куз бўлуб, ўт адо бўлса, иккинчи баҳор бўлган ёрга караб кўчарлар.

Хазоралар ахлок жихатидан бизим Туркистон киргизларига якин келмаюрлар. Бир минг меҳмонни(нг) бир сариг чакага олмаюрлар. Бир нимарса борми, деб сўрасангиз, бор бўлса-да, йўк деюрлар. Кўлларига окча берганингиздан сўнг аранг чикоруб бурурлар, Бермакка сиздан 2—3 баҳо олурлар. Бунларинг ороларинда кизларни(нг) хотунликга сотув айб эмас экан. Хазратларинг оралинда бобий мазхабина кирганларида вор экан. 12-августда сабох соат 6 да бурадан чикуб, соат 11 да Азгарот исмли работ(га) келуб тушдик. Бу икки манзил ороси 5 тош, 12 куру, 40 чакирим масофадир.

13-августда сабок соат 5 да бурадан чикуб, соат 11 да Панжоб исмли работга келуб тушдик. Бу икки манзил ороси 6 тош, 12 куру, 48 чакирим йўлдир. Бу работнинг Панжоб аталувин сабаби 5 тарафдан беш ирмок келуб, бурада бир ерга куйилур экан.

14-августда сабох соат 6 да бурадан чикуб, соат 10-да Зарсан исмли работга келуб тушдик. Бу икки манзил ороси 4 тош, 8 куру, 32 чакирим йўлдир.

Бу манзилда Кобулдан Туркистона тайин ўлинмиш хайъати вакола бизлара йўлукди. Бошлик-лари женерол Мирзо Мухаммадхондур. Бу хайъат ичинда тўфчи, мухандис, юзбоши, дўктир ва бир туркистонли таржимон Мухаммадшариф Сўфизодада вор эди. Бу хайъат 20 кишидан иборат эди. Бу хайъат бизлара амир соиб тарафиндан истикбол саломлари сўйладикдан сўнг амир бизла-ри тўрт кўз ила кутуб турдигин сўйладилар. Мухораба ахволиндан савол килиндик-да генерал жаноблари:

«Галаба бизим тарафда муторака килинди. Хиндистон аскарлари бизларга карши мухорабадан алмутанозеъ килсалар, белужилар бизим тарафга ярог-аслахалар ила гурух-гурух ўтдилар. Инглизларнинг бизларга карши олуб келуб уруштиргон аскарлари «шотланс»лар, «гуркасилар или «будда»дан иборат эди. Сўнг замонларда инглизлар бир неча матур хавойи-ойирфилон кетургон бўлсалар-да, максудларина эриша олмадилар. Галаба бизим тарафда ўларок мухорабая муторака ёпилди», — дея сўзин тамом этди. Бу кеча ўрток Бровин таклифи уза Мирзо Мухаммадхонга Тошкандаги мусулмонларнинг Марказий бюросина бир мактуб ёзуб вердим.

Мазкур мактубнинг кўфияси:

КЎФИЯ

Сана 1919 мелодий. 13 августус. Туфрог Афғонистон, работ Зарсангда ёзилди.

РУСИЯ ИШТИРОКИЮН КЎМИТАСИНИНГ ТУРКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИНИНГ МАРКАЗБЮРОСИНА!

Зоти олийларингизга маълум эдарамки, ушбу зот шавкат маоб Мирзо Мухаммадхон генерал Афғонистон амири тарафи олийлариндан буюк ваколат ила бизим Туркистона ташриф буюражаклар.

Мухтарам афандилар! Хар холда бу зотинг эхтиромларин ерина етурувингиза аминам. Бокий эхтиром.

Русия Шўролар Жумхуриятининг Афғонистон вакиллариндан

* имзо

15-августда сабох соат 6 да икки хайъати вакола бир-бирларимиз ила хайрбодлашуб, афгонлар Туркистон тарафина, бизлар Кобулга караб равона ўлдук. Соат 12 да Морхона исмли работга келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 6 тош, 12 куру, 48 чакирим йўлдир. Бу манзилдан чикишдан бошлаб, иккинчи манзилга етушгунимча афгонларинг кўчма халкларина учрадук. Бу икки манзил оросиндаги ўр-водий бутун тева, йилки, кўй, корамоллар ила тўлгон эди. Бунларинг бола-чакалари ила, мол-ашёлари ила узундан-узог бўлиб кетишлари бо бир-бирларининг бакируб-чакиришлари, кўйларнинг, кўзиларнинг маъраши, отларнинг, тойларнинг кишнаши, теваларнинг, бўталокларинг ўнграши хар кимнинг назар-диккати(нг) ўзига жалб килурди. Лекин бунлари ичинда ёш йигитлар оз кўринарди. Яроглик йигитлари хаммаси мухорабага кўнгилли бўлуб кетганлигин сўйладилар.

' Бу кетиш манзарасининг энг гўзал ери, инсоннинг диккат-назарини жалб этадиргон жойи уч-тўрт яшар ёш-ёш болалар шўйла баланд-баланд тоғлардан, тошлар оросиндан пилдираб, бошланг, оёкяланг, оналариндан оталариндан илгарига тушуб, чопачоп кетарлар эди. Бунларинг хаммалари Кобул атрофинда яшайдиргон афгон кўчма халклариндан эди.

16-августда сабох соат 6 да бурадан чикуб, соат 11 да Элбанд исмли работга келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 5 тош, 10 куру, 40 чакирим йўлдир. Бу манзилдан бир тош масофада Элбанд дарёсиндан кечуб ўтдук.

17-августда сабох соат 6 да бурадан чикуб, соат 12 да Рогул исмли работга келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 6 тош 12 куру, 48 чакирим масофадир.

18-августда сабох соат 6 да бурадан чикуб, соат 10 да Боди Осиё исмли работга келуб тушдук, Бу икки манзил ороси 4 тош, 8 куру, 32 чакирим йўлдир. Бу манзилда олма, ўрук эндигина пишгон эди. Олма-ўрукларнинг бир ман — 8 кадоги бир рупиядан эди. Демак, бурада бахордан чикуб, жавзога кирдук.

19-августда сабох соат 6-да бурадан чикуб, соат 10 да Човгил исмли работ(га) келуб

тушдик. Бу икки манзил ороси 4 тош, 8 куру, 32 чакирим масофадир.

20-августда сабох соат 6 да бурадан чикуб, соат 11 да Сарчашма исмли работ(га) келуб туш-дук. Бу икки манзил ороси 5 тош, 10 куру, 40 чакирим йўлдир. Бурада Имом Абу Жаъфар Содик-нинг зиёратгоҳ макбараси вордир. Ва бу зиёратгоҳ ёнида тўрт чашма хавзлар вордирки, ҳар биринда мингларча баликлар сузишиб ўйнашиб юрур.

21-августда сабох соат 6 да бурадан чикуб, соат 11 да Кўхи Хаштрўга келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 5 тош, 10 куру, 40 чакирим йўлдир.

Шул куни соат 12 да бурадан чикуб, соат 3 да Козикалъа исмли работга келуб тушдук. Бу икки манзил ороси 4 тош, 8 куру, 32 чакирим йўлдир.

Хиротдан бошлаб, то Кобулга келганча йўлларда у қадар мазор кўпдурки, йўлнинг ҳар икки тарафи бир мазористон манзарасин ташкил эдар. Йўллар тоғ-тошлардан иборат ўлдигиндан чуқур казулуб, кўммок мумкин ўлмаюб, ўлуклари атрофигатош теруб, устигатош бо(с)тируб кўяр эканлар.

Бу Хазора йўли Кобулнинг энг яқин, энг каттик, энг катнов йўли ўлдигиндан халқ чумолидек ўлуб турар экан. Бу бир ойлик йўл оросида тиббий ёрдам йўклик сабабли огиррок касал бўлгон кишиларни(нг) йўлнинг бир четига ётқизуб, устига тош бостируб кета берар эканлар.

22-августда сабох соат 9 да Кобул(дан) юборилган «коди» пойтунларга ўлтируб, «Кобул» шаҳрина дохил бўлдук. Йўлда бизлар учун тайин бўлингон меҳмондорлар бизлари Махтоб боғига тушуриб, мусикий бир юзга яқин отлик аскарлар ила расм-гимн(?) ижро килуб, бизларга чой тутдилар. Бу Махтоб боғида бир соат(лик) чой-зиёфатдан сўнг такрор аробаларимизга минуб, бир неча хайъати вузароларинг бизлара пешво(з) чикмоклари ила эхтиромлар сўнгида Кобул шаҳрида энг машхур ўлан Боги Мустафога ерлашдук. Ерлашган хоналаримиз мукамал Еврупо усулида ясалмиш бинолар ўлуб, уй ашёлари-да том ёвропоча эди. Бизим учун тайин ўлгон меҳмондор, ошпазлар-да, таомларимизи-да ёвропоча хозирлаб берур эдилар.

Бир неча кунлик сафар машаккатин истирохат килуб азола килдук. Бу арода Англетара давла-ти ила Афгон ҳукумати оросинда олти ойга муторака килинуб, мухорабага хотима верилдигин очик суратда англадук.

25-августда Англетара давлати тарафиндан Кобулга бир хайъат келмиш дея бир хабарни Бровин сўйламиш эди. Бу хабарни(нг) собик Кушка коменданти 26 августда сиёсий кўмисаримиз ўлан Зиборўфдан рухсат олуб, нозири хорижи Махмуд Тарзи афандининг ҳузурина воруб ахволот олдим. Ярим соат суҳбатдан сўнг бу шойеъ ўлан хабаринг аслсиз ўлдиги очик маълум бўлди. Бу хабаринг аслсиз ўлдигин келуб, хайъати ваколамиза сўйладим. Бу хабаринг не сабабдандир. Бровин тарафиндан сўйландигиндак аслсиз ўлдигин аввалан хозирда Кобулда мусулмон динини(нг) хоту-ни ила кабул килмиш Севаладатскидан наклан сўйламиш эди. Келуб сўйлагон вақтимда ўртоқ Бровин манга такфир назари ила бокуб, бир неча калима нолойик сўзларни-да сўзлади. Банда сукут этмокдан бошка чора йўламаюрдим.

28-августда но(зири) хорижи Махмуд Тарзи афанди бир неча кишилар ила бир хайъат (ўлуб) Афгон ҳукумати тарафиндан бизлари табрик килмокга келдилар. Ароларинда Хиндистбн инкило-бин кўмита аъзолариндан-да киши бор бўлуб, ҳарбия мактабининг мудири Висоми афанди-да бор эди.

Бир соат суҳбатдан сўнг табрик мажлисина хотима верилди.

30-августда Махмуд Тарзи афанди бир хайъат ила бизим ҳузуримиза ташриф буюрдилар. Суҳбат асносинда «агитация» килмасликга ҳамда брошура — инкилобий

рисолалар таркатмасликга бизлардан сўз олуб, минбаъд бозор ва кўчаларга чикмокга ва кезмокга ҳукумат тарафиндан рухсат ва изн ўлдигин маълум килуб кетди.

Ийди курбоннинг 3-куни амир сохиб ила кўришмак мукаррар ўлса-да, шул кунларда Кобул шаҳрида вабо кўзгалуб, бир неча кишилар вабо касали ила огриганликлари мушоҳада килиндигин-дан амир ийд кунларин шаҳардан ташкари бир кишлокда ўткардигиндан кўришмоғимиз кейинга чўзилди. Аммо бу миёналарда ўрток Бровин — «хусусий амир» ила бир неча маротаба суҳбатда бўлинди.

1-сентябрда ҳукумат тарафиндан тайин килинмиш афтомобилларга минуб, амир Хабибуллохон бино килгон Чихл сутун исмли богга бордук. Бу бог Кобулнинг машхур боглариндан ўлуб, тамом Ёвропо усулида бир кичик тоғнинг устига бино килинмишдир. Бу бинонинг атрофи турли мевалар ва гулзорлар, йўллар йўлка ила зинатланмиш ўлуб, хонанинг ичларидаги Аидлари-да том Ёвропо асбобларининг сўнг даражадаги усул(и)да-(мода)-да ясалмиш ашёлардан эди, Хона ичла-рини мукамал мўрча водапровод — сувмошинлар ила зийнат верилуб, жануб тарафинда хона-нинг сахни узорина бир понтон сув шалоласи-да бино килинмиш эди. Бу иморатнинг устида ўлтиргон кишининг бутун Кобул шаҳрининг манзараи умумийсини(нг) кўруб ўлтирувчи накадар баланд бир ерга бино ўлиндигина шохиддур. Бу касрнинг рўбарўсида баланд бир тоғнинг устина баландлиги олти газ чамасида ок санги мрамардан мархум Хабибуллохон номина ёдгорлик (фомитник) бино килинмишдир.

3-сентябрда маъруф боглариндан ўлан Боги Бобирга бордик. Бу богнинг шимол тарафинда Бобирнинг макбараси вордир. Макбаранинг жануб тарафинда том сангги мрамардан бино килин-миш бир масжид бор. Бу масжидда замонинда кирк минг руфия харожат ўлдигин, биносининг Захриддин шох бино килдигин сўйладилар. Бу богда Бобирнинг ўз кўли ила экилмиш чинорлар ва бошка дарахтлар мавжуддир.

6-сентябрда ўрток Бровиннинг факат ўзи амир ила боруб сўйлашуб келди-да, хозирда Кобул-да факат Зиборуф ўзи қолиш(и)га, колгон хайъати ваколага кайтуб кетмокга амир тарафиндан рухсат бўлгонлигин маълум килди.

8-сентябрда 15-нумералик буйрук ёзиб, биринчи ўрток Иванўф, иккинчи ўрток Куликўф, учинчи манга, тўртинчи Маминга ва икки канвоердан бошқаларига-да Тошкандга кайтмокга рухсат ўлдигин маълум килди.

9-сентябрда ўрток Маминнинг хонасинда шул хусусида мажлис килинди. Бу мажлисда ўрток Бровинда бор эди. Ўрток Иванўф ила ўрток Куликўфлар юкорида ёзилмиш буйрукга иродлар тегдира бошладилар. Ўрток Бровин ўзин шошируб, жавоб вера билмадигиндан охирда «Сизлар сабр килинг, бан эртага боруб амир ила сўйлашуб кўрайин, сўнгра сизлара келуб чикгон натижани (результат)ни маълум киламан. Сизлар шунга караб амал килурсиз», — деди. Мажлис эртанинг натижасига таваккуф килинуб ёфилди.

10-сентябрда Бровин боруб амир ила сўйлашуб келди-да, аввалги карор ўзгарганлигин хамда 15-нўмералик ёзуб бизларга верган буйрукномасин сахв ўлгонлигин маълум килмок ила баробар эртаси кун бутун хайъати вакола амир ила воруб сўйлашмокга мукаррар бўлгонлигин маълум килди.

11-сентябрда сабох соат 10 да афтомобилларга минуб, Боги Фогмонга, амир соибнинг хузурина вордик. Фогмон Кобулдан 12 чакирим масофада тоғ орасина бино килинмиш бир кишло(к)да ўлуб, хаво жихатиндан гўё Туркистоннинг Чимёнининг айни ўзи эди. Бу богнинг ичинда том Ёвропо усулинда бино килинмиш бир неча гўзал бинолар ўлмок ила баробар ашёу асбоблар-да бутун ёвропоча эди. Бу богинг шарк тарафинда гўзал гулзор

тефасинда 10 газлик бир ёгочнинг учинда ўртасина Афгон тамгаси нақшлангон кизил байрок кулумсираган каби бўлуб, бизларни (х)илфил-лаб саломалаюрди.

Афтомобилларимиздан тушуб 22 ёшинда ўлан жавон — Афгон амири ўлан Омонуллахон ила бир тарафи оинабандлик, чахордаралик касрда кўришдук. Икки соат сиёсий суҳбатдан сўнг мажлисга хотима чекди. Мажлис охирида амир соиб ўрток Бровинга «Эртан ман факат мусулмонлар ила кўришажакман, чунки сизинг ила бирга келмиш мусулмонлар факат бугун иккигина киши келмиш, сабох хаммасини баним хузурина кўндирмалисиз», — дея афтомобилларимиз ёнина кадар келиб бизлари кузатди.

12-сентябрда сабох соат 9 да яна афтомобилларга ўлтуруб, бутун хайъати вакола хамма мусулмонлар ила вормиш эдук. Бизлар ила бирга во(р)миш меҳмондор Мухаммад Алини(нг) амир соиб чокирди-да бир неча калима сўз сўйлаб кайторуб чикорди.

Мухаммад Али бизим ёнимиза ранги тағйир топгон холда келуб, ўрток Бровинга хитобан: «Ман сизга сўйласам-да, сиз кабул килмадингиз. Кеча сизга амир соиб, ман эртага факат мусулмонлар илагина кўришаман деган эди. Руслар мусулмонларга инонмас экан, кеча ман сўйлаган вақтимда нима учун «бисёр хўб, бисёр хўб» деб кетди-да, бугун нима учун биргалашуб келди. Бориб айтгил, агарда мусулмонларга инонмас экан, онлар нима учун Кобулга олиб келди. Ман факат бугун мусулмонлар ила суҳбат килмокчиман, Агарда бу иш онлара ёкишмас экан, хаммаларина-да рухсат, дея манга газаблануб сўйлади», — деган вақтида ўрток Бровиннинг ранги ўчуб, «Хўб, хўб мо мерим» дея онлар «Сизлар колуб, амир ила сўйлашуб кетасиз», — дея афтомобилга минуб кетдилар. Бизлар колуб навбат ила киёмгача сўйлашдук. Киёмдан сўнг ўлтуруб бирга ош ошашдук. Бизлардан сўнг Фаргонадан келмиш кишилар-да бор эди — суҳбат онлар ила бўлди. Бу Фаргонадан келанлар уч кишидан иборат эди. Бошликлари андижонлик мархум Худоёрхоннинг набираси эди. Булар ила бирга келмиш, 36 йилдан бери Кобули ватан эдан Худоёрхон уругйндан Акрамхон тўра хамда Акрамхоннинг кичик биродари-да бор эди. Бунларнинг амир ила суҳбатлари то асргача чўзилди. Биз бу миёнада гулзорлар атрофинда кезуб юрдик. Аср вақтинда мажлислари тамом бўлди, хаммамиз бирга ўлтируб чой ичуб, манзилимизга авдат этдук, Фаргонадан келанларнинг ким тарафиндан келуви бизга маълум ўлмаса-да, буюк бир ваколат ила келдикларин сездик. Албатта бунлар Фаргонада ҳукуматга каршу киём килмиш кишилар тарафиндан келгонларига жазм хосил килдук.

20-сентябрда умуми хайъати вакола амир ила сўйлашмокга аввалги мажлисда нотаом колгон масалаларни(нг) хитома эришдирмак хусусида йўлга чикмиш эдук. Нозири хорижий тарафиндан йўл узоринда амирнинг шу кунлари бироз нотоблиги сабабли сўйлашмокга имкон йўклигин бир косид мактуб ила англади. Йўлимиз киска бўлди. Манзилимиз(а) авдат этдук. 18-сентябрдан бошлаб, бандага кўкрак огриги касали ориз бўлмиш эди. Вақтдан истифода килуб меҳмондор Мухаммад Алига мени шифохонага бормогимизга рухсат вермагин истидъо этдим. Мухаммад Али ман ила бирга шифо(хонага) бордик. Шифохона мудир илан Мизбек ила Мухаммад Али мени тонишдирди. Мизбек усмони турклариндан ўлуб, бир неча йиллардан бери Кобул шифохонасида буюк хидматлар ёпмиш. Мукамал ўлан бу шифохонани(нг) йўлга кўймиш. Ўзи прописур бир зот ўлуб, ташрих илминда буюк махорати вордир. Хар йил уч-тўрт юз чамасида кишиларни(нг) опиратсия килмокда экан. Факат юздан беш фрасенти ўлуб, колонлари согалар эканлар. Бу шифохонанинг мукамал асбобларин бир неча йил мукаддам Фарансадан кетурмиш экан. Бу шифохонада хотунларга махсус шуъбасида вордир. Оператсия килуб тургон холатларинда ўз кўзимиз ила мушохада килдук. Бу

шифохонанинг бир тарафинда болаларга махсус чечак шуъбасида вордур. Бурадан дармони(нг) олуб йўлга чикдик. Йўл узоринда кўн корхона — мошинхоналарина кирдик. Бу корхонада 400 киши ишлар экан. Бу корхонада бир чекадан хом тери кируб, бир чеккадан ўтук, ботинка, эгар, юган, алхосил бутун чарм эотидан ишланадиргон хама ашёлар мунтазам суратда хозирланмокда эди. Бу нарсаларнинг аксари машина ила ишлануб, жузъий бир ерлари кўл ила ишланур эди. Бурадан чикуб, манзилимизга авдат этмишдим. Келган замон ичи каро товаришларимдан бири банго хитобан: «На ерга вормиш эдингиз? Амирнинг зиёфатина-ми вор-дингиз?» — деди. Жавобан ман товаришга шифохонани(нг) хамда корхонани(нг) кўрганлигимни баён килуб: устол устина дардима дармон учун кетургон даволарни(нг) чикаруб кўйгон вақтимда ул манго ўринсиз савол бергон ичи кора товаришнинг нафаси ичига тушуб кетди-да, «Ман сизга ул сўзни мазох тарикасида сўйламишдим», — деди. Ох, на инсоният, на баробарлик, на сотсиоли-стлик, на миллат тафрика килмайдиргон интернатсиёлистлар дунё юзинда топиламукин? Балки бордир, топилур, лекин вужуди анконинг тухмидек камёб эканлигин Афғонистон сафарига чик-гонда аник билдим. Афғонистонга чикгон беш хайъати ваколанинг ичида биргина мусулмон ман ўлдигимдан хар бир огир меҳнатлар, хар бир кулфат ва азиятлар мени устимга юкланди. Хиротга якин Пар(в)она кишлогиндан бошлаб товаришларимизнинг ораларига тафрика тушди. Тафрика-нинг сабаби ўрток Бровин афгон туфрогига ўтгандан сўнг ўзини(нг) женерол — чор ноил эълон килмиш эди. Хамда бутун тутгон тактика, хатти-харакатида Никўлайнинг генералларини(нг) рафто-риндан колишмас эди. Бу харакат бошка ўртоқларимизга огир келуб, Парвонада мажлис асносин-да шу борда сўз очилди. Лекин «гат-гат этар карнайчи, балога колур сурнайчи» мақолинча ўз мак-сад ва гоёларина ва гарази шахсияларина мен бечорани(нг) олат килдилар-да, мажлисда ўрток Бровинга хитобан «Ўрток Авлонийга бўйла килдинг, ўйла ёфдинг, бизлара ўйла деди, бўйла де-ди», — дедилар. Ўрток Бровин манга караб бир неча калима огир сўзларнинг-да сўйлаб олди. Холбуки ман Тошкандан чикгондан бу она қадар ҳеч кима малол келадургон сўз-да сўйлама-миш, огир келадургон иш-да килламиш эдим. Лекин иш эса «Холвани(нг) ҳаким ер, калтакни(нг) етим ер» кабилинда эди. (назм)

Дунё кездим, кўбни кўрдим, ҳеч ҳақиқат кўрмадим,

Хуррият номин эшитдим, лек адолат кўрмадим.

Маслаку мақсадга ишлармиз, дея лоф урдилар,

Ишламак-да сўзларига ҳеч садокат кўрмадим.

Кайда ул инсоният, кайда мусовот, оҳким,

Тилларига дилларин асло лаёкат кўрмадим.

Мажлису минбарда огиздан чиқар озодлик,

Жойи хилватгоҳда бир тўғри ният кўрмадим.

Хосили бир неча маслакдош ила килдим сафар,

Ҳеч ерда биргина хузру халоват кўрмадим.

Чин ҳақиқат, чин вужуди дунёда анко каби,

Марди майдон кўрдим, аммо соф тийнат кўрмадим.

Кайда ул озод, хурлик, ҳам баробарлик қаён?

Катъан авлоди башарда унс(у), улфат кўрмадим.

Кайда борсанг голиби мағлубни айлар поймол,

Мархабо, эй хуррият, сандан мурувват кўрмадим.

Хайр, келдим мақсадга. Натижада ишнинг асли очилди. Бровин аввалда мандан хафа

бўл-миш эса-да, сўнг максадни англаб, маним боримда ёнмиш газаб ўтига сув куйилди, паст бўлди. Бровин Никулай замонасида Москвадаги «восточни покултет» мактабин тамом килмиш. Сйёсат, тадбир бобларинда...га сабак берар эди. Фасоднинг манбаи на ердан чикгонлигин англади-да, чорасига киришди. Товаришлара «Хўб, бу масалани(нг) эртан Хирот воруб, урада хал киламиз», — дея мажлиса хотима верди. Аммо товариш Бровин Хирот келгунча ишни(нг) яхши юритди. Бу борадаги тадбир ва сиёсат рўлин яхшигина ўйнади. Москвадан ўзи ила бирга олиб келаётган секретарша — саркотиба Райуна Петровнани Хиротда Боги Шохийда товариш Зиборуф ила (бир)бировига бирлаштирди-да орога тушган тафрикани(нг) осонлик ила хал килди. Дархикакат, асли фасоднинг боши шул нуктада эди. Чунки Тошкандан чикгондан бошлаб, Зиборуф кизгинага якин келса, бурнини кўрсатур эди, яъни иккинчи иборат ила айтганда, олдиндан келса тишлаб, оркасидан келса тефар эди. Мана шул асов кизгинани(нг) Бровин политически руководитель — сиёсий бошлигимиз ўлан товариш Зиборуфга ром килуб берди-да, галва, жанжалдан халос бўлди. Мана бу орода «Тўйдан тўфикча» мафхуминча, икки товаришнинг мунокашин ўртасида эзилуб, дасмоя бўлуб, бахона бўлуб, олат бўлуб, сўкуш эшитуб, алхосил икки тош аросида чокилуб, икки дарранда оросида талануб келаётган ман бечора-да бу никох тўйидан сўнг озодликга чикдим.

22 сентябрда саёхат тарикасида Боги Баландга бордик. Бу бог Кобулнинг гарб тарафинда ўлуб, Лолшоҳ бино килмишдир. Сўнгра мархум Абдулрахмонхон таъмир килмишдирки, бу бог Кобулнинг энг маръи, машхур боглариндандир. Кобулда бир неча маъруф боглар ўлса-да, бу богларга кезмак, сайр этмак, хавахўрий килмак, касби хава этмак учун умумий халкларга йўл йўқдир. Факат бирта кисм ҳукумат арбобларинагина кезмак ва бахр олмак мумкиндир.

23-сентябрда саломхонада бутун хайъати вакола амир хузурина вордик. Шул кунлар банда ниҳоятда огир бетоб бўлсам-да, бора олмаслигим ўртоқ Бровин(га) изхор килсам-да, Бровин ўзи баним ёнима келиб, факат мусулмонлардан биргина оромизда сан ўлуб, сан-да вормойин колмо-гинг яхши ўлмаяжак, хар на килсанг-да, кувватингни ўзингга йигуб, бир илож килуб бормасанг ўлмаз — дея бани-да олиб вормиш эди.

Бу кун мажлисда сўйламиш сиёсат масалалариндан энг ахамиятлилари: Амир тарафиндан бизим ҳукуматдан талаб:

- 1) Кушка калъаси;
- 2) Термиз калъаси;
- 3) Карки калъаси;

4) Радиостанса — хава тилгиром, мукамал суратда асбоблари ила. Агарда бу мавжуд бўлмаса, мукамал Кушқадан то Кобулгача симлик тилгиром. Бу талабларга Бровин шўйла жавоб берди: Термиз ила Карки калъалари бўлса, аслда Афғонистоннинг ери ўлмай, Бухоро туфрогига тобеъдур. Шул хусусдан бул хусусда ман бир нимарса дея олмайман. Чунки, агарда талаб килмок лозим ўлса, бу ерлари Бухоро ҳукумати талаб килмоги лозимдир. Шайх Жўнайд (Кушка) хусусида бул ер аслда афгонларники бўлса, балки шўролар ҳукумати берса ҳам ажаб эмас. Лекин бизда бўйла буюк ишларга ҳукм килмокга ёхуд бўйла бир туфроқ масалаларида бермог-олмокга ҳақкимиз йўқ. Бизга бир мунча муддат лозимдурки, марказдан бу талабларни(нг) тилгиром воситасила сўрай-миз. Бу талабларнинг рад ё кабули марказнинг ҳукмига вобастадир. Аммо хава тилгиром ёхуд симлик тилгиром хусусида катъий ваъда бера оламизки, бизим ҳукумат бермоги мукаррардур, — деди. Мана шул хусусда кўб музокаралардан сўнг икки муддат мукобилиндан юкорида мазкур талабларни(нг) «Марказдан савол килмокга ва бу

саволларга жавоб келгунига кадар ним расмий уч ерда Туркистон жумхуриятининг кўнсули турмоқга амирда изн верди.

1) Майманада;

2) Мозори Шарифда;

3) Хиротда;

4) Кобул — пре(д)ставитель кабул килинуб, мунда 15 киши, бошка кўнсулхоналарда беш кишидан ортик одам турмамоқ шарт ила. Бунинг мукобилина ўрток Бровин кайнаб кетуб, амир тарафиндан Туркистоннинг каю шахрига кўнсул кўймоқ ва канчадан одам кўймоқ Афгон ҳукуматининг ихтиёриндадир, одамнинг ададига биз чегара кўймаймиз, деди. Бу масалалардан бошка Туркистон жумхуриятининг адолатсиз идораси хусусида ҳамда Туркистон хусусида «Марказ»дан келадиргон «декрет» буйруқларнинг ижр(о) килинмаюб, устол устинда, когаз юзиндан қолиб келавотгани хусуслариндан эди. Бу масалага ўрток Бровин кискагина «Большевикларнинг оросинда дуруст одам кам топиладур, шунинг учун Туркистонда дуруст одам оз ўлдигиндан идора ишлари тартибсиздир», — дея жавоб берди. Ман бу хусусда сўз олуб, бу берилгон саволларнинг бир неча моддалари мусулмонларга тааллуқлиқ ўлдигиндан бирин-бирин жавоб бериб ўтдим.

Бу вақт соат ўн иккини(нг) сўқмиш эди. Амир тарафиндан таомга таклиф килинди. Таом асносинда дардим ўлтурмоқга ихтиёр вермадигиндан мажлисдан рухсат олуб, манзилимга авдат этдим.

Сўнградан баним вердигим мажлисда жавобларимдан амирнинг мандан каттуғ хафа бўлмонлиги англашилди. Чунки ман мажлисда сўзлагон сўзларим ҳақиқат ўлдигиндан, ҳақиқатга жон қурбон дедим-да, амир хафа бўлса-да, ман хафа бўлмадим.

25-сентябрь ўрток Бровин қошимга келуб, мени Хиротга кўнсул, Абдулматлаб Орифжон ўғлини(нг) манга ноиб тайин қилмоқлигини маълум қилди. Банда бўйла улуг хидматга лаёқатим йўқлигин, максадим ўрток Иванўф ила Тошкандга кетмоқлиқ ўлдигин изҳор қилуб, илтижо қил-сам-да, мандан бошка киши йўқлигин ҳамда бу ўта муваққат ўлдигин, балки тездан Тошкандга ёзуб, мани(нг) ҳалос қилажагин билдирди. На чора, ўзимнинг қучим ўзимга маълум. Бўйла оғир бир хидматнинг ифосина иқтидорсиз ўлсам-да, Туркистон жумхуриятига оғир бир хидмат дея зўр ила кабул этдим.

26-сентябрда тасдиқнома (мандат)ларимизни(нг) ёзуб қўлларимизга топшурди. Мозори Шарифга канвоердардан Киселофни(нг) кўнсул, Муҳаммад Юсуф Зоқир ўғлини(нг) ноиб, Майманага Хусайн Исҳоқ ўғли Маминни(нг) кўнсул тайин қилдида, шул кундан эътиборан сафар тадориқин қўрмоқлигимизни(нг) маълум қилди.

27-сентябрда хайрбод қилмоқга амир соиб ёнига бордик. Бироз сиёсий суҳбатдан сўнг амир ўз қиличин ўрток Иванўфга тақдим қилди. Иванўф ўз қиличин амирга тақдим қилди. Бундан бошка амир тарафиндан ўрток Иванўфга бир яхши от, бир тилло соат, бошка бизлар ила борган рус ўртоқларнинг ҳаммасига бирор қумуш соат ва бир неча қийимлик Кобул қорхонасининг мовутиндан (суконни тирикасиндан) берилди.

Мусулмонларнинг ҳаммасига бир салла, бир чафон, бир дўффидан берилуб, баъзиларина қумуш соат ҳам тақдир ўлиндида, хайрбоддан авдат ўлинди. Мундан биринчи ўқтабргача сафар тадориқи қўрилди-да, биринчи ўқтабрда Кобулга хайр дея яна Ҳазора йўли ила Хиротга қараб равона ўлдук.

(Кобул шахри)

Кобул шахри умуман манзара(лик), энг кадим, гўзал бир шахр ўлуб, нахрнинг бўйига бино килинмишда, атрофи бутун тоғ бир водийдадир.

Эски шахрнинг кўчалари тор, хифзи сиххатга мугойир бинолар ўлса-да, янги шаҳарда янги бино ўлинмиш гўзал Ёвропо усулида ясалмиш бино-да кўпдир. Мархум Абдуррахмонхон, бошлаб мархум Хабибуллохон итмома эришдирмиш мошинхона-корхонада игнадан тўфга қадар Афгон ҳукуматининг эҳтиёжина керакли ашёлар тайёрланмокдадир. Бурада мукаммал мактаби тарбиядан бошқа бир неча мактаби рушдий ва бир неча янги усулда мукаммал ибтидоий мактаблар мавжуддир. Ва булардан бошқа бутун эски мадрасаларда ислохот ясалуб, бутун фанлар мукаммал сувратда ўкутилмокдадир. Тижорат жихатиндан бутун Ёвропода мавжуд ашё сувратда мавжуддир. Ахлоқ жихатиндан одамлари таассуб деган нимарсадан бутун воз кечмишлар. Соқолларига кўшуб мўйлабларини(нг)да кирдирурлар. Уламоларида, авомлари-да калта кийим кюрлар, хотунлари-да ёвропоча кийинурлар, ёш-ёш болалари-да кўлларини(нг) чаккаларига килуб салом (честь) верурлар. Бошларига эрлари ила баробар хотунларида шлафа киуб, юзларина тўр тутуб юрур-лар. Бир кимса нафрат назари-ла бокмаюр.

Кобулда экон вақтимда «Иштирокиюн» газетасини(нг) хар бир нўмерасини(нг) қолдурмай ўқуб турар эдим. Тошқандан чиқгон вақтимда Туркистоннинг еттинчи қурултойи Марказдан ўрток Кўбузўф келуви муносабати ила Марказнинг Туркистонга назари бўлакча, Туркистон идораси бўлак равишда, Марказнинг хатти-ҳаракати (тактика) сига мағойир дея ўрток Кўбузўф бакируб-чакирса-да, Туркистоннинг тоғ чумчуқлари еттинчи қурултойда Кўбузўфга қарши чиқуб... кўтаруб Марказнинг Туркистон хусусидаги тўғри фикрига Туркистоннинг Қазакўф, Успенскийлар тўдаси(группаси) хар тарафдан садлар чеқуб, ўз хошишларинча зўрма-зўраки (қайфа ма яша) ҳукумат тузмишлар эди. Охирда Кўбузўф бечорани(нг) «тўғри сўз тугонига ёқмас» мақолинчз, бу мусулмон тарафдори дея иш бошиндан сурмишлар эди.

Бу Жумҳурият қурултойидан бир неча ой сўнгра фирка қурултойи чокирилуб, уларда хох жумҳурият қурултойи бў(л)сун, хох фирка қурултойи бў(л)сун, «Тобулин муноқашаси» — жанжоли-ғалваси тамом бўлса, мана энди «Тобулин»нинг ўрнига «Кўбузўфнинг муноқашаси»н чиқардилар. Мана бу чакирилмиш фирка қурултойи-да сар то по Кўбузўф жанжоли-хархашаси илэ кечмиш эди. Ман, банда бу қурултой охирларинда Афғонистонга қараб ҳаракат қилмиш эдим. Бизим бу Афғонистон сафаримиз узог чўзилдигиндан Кобулда экон вақтимизда олти ой тўлув муносабати ила 8-Шўролар қурултойин чакирилдигин хабарин газиталарда ўқуб, бу қурултой нима натижа веражак, дея тўрт кўз ила мунтазир эдик. Хар бир нумера газитларни(нг) иттисолан кўздан кечурмақда эдик. Бу миёнада бирдан газиталэр Тошқанда гимнзистлар бироз бош кўтаруб, ҳукуматга қаршу ҳаракатда бўлуб-да мунҳазм ўлдикларин, сўнғрок Туркистон ҳукумат аъзолари, яъни Қазакўф, Успенскийлар фирка (группа)си Кўбузўфга ғалаба қолуб, Кўбузўфни(нг) тутуб қамэгэнларин сўнгра яна қамокдан қалос бўлгонлигин, сўнгра яна Кўбузўф қўркувиндан қочуб ёширинганлигин хабэрин қетурмиш эди. Бу хабарни(нг) эшитгон қеч бизим ўртоклардан бир нечалари шодлик, ясаб, қиёмда кўтаришдилэр. Ўрток Ивэнўф ҳақиқатпараст ва ҳақиқатдэн хабар-дор бир одам ўлдигиндан бунларнинг бу шодликларини иштирок этмаюрди. Қўлидан қелгунча Кўбузўфнинг тутгон йўлин ҳақ эканлигин англэтомқ ҳаракатинда бўлурди. Лекин VIII қурултой натижэсин англаёлмасдан Кобул йўлига қикмиш эдук.

26-уктабрда ҳама ўртоклар ила саломат Хирот шаҳрина қелуб тушдук. Хирот

ноиб-ал-хукума-си Хиротда машхур Чахорбог, ҳукумат ўрдаси ёнидан бир саройчадан бизларга ер верди.

Бизлар Кобул чикгон вақтимизда 11 киши ҳаракат килмиш эдук.

1) Ўрток Иванўф; 2) ёвари:

1) Алиштин,

2) Волпрам; банда — Хирот кўнсули; ноиби ман Абдулматлэб Орифжон ўгли, сафоратхона учун бир аскар — Хазраткул Мавлонкул ўгли. Ўрток Иванўф ила Тошкандга кетадиргон уч мастеравой, бири меҳоник, икки тилгирофист, — Фовлуф, Тиркузуф, икки аскар — бири Хисом Жалолий, бири Вали Хожа эди. Хисом Жалолий ила меҳоник Фишкол «австрия»нинг хотун-болаларида бор эди.

27-ўқтабрдэ ўрток Иванўф ила ноиб-ал-хукума хузурина кируб, кўришуб, бир оз сўйлэшуб чикдук.

28-ўқтабрдэ ўрток Иванўф кетув(и) муносабати ила хайрбод килмокга икки ёвари ила ноиб-ал-хукума қошига кирди. Ноиб-ал-хукума ўрток Иванўфга пируза Кўзлик, Алиштин ила Волпрамга олмос кўзлик узук сийлов берди.

30-ўқтабрда сабох ўрток Иванўф хама одамлари ила Хиротдан Тошкандга караб равона ўлди. Бизлар маъюсона бурада хайрлашуб колдук.

4-нўябрда Тошкандан Афгон ҳукуматиға ёллануб, бир офисарибиз (гирмон), бир меньшевик учувчи (лўдчик) келди, Мана шул кўнгача Русия ахволотиндан Туркистондаги саккизинчи курултой натижасиндан ҳеч хабаримиз йўқ эди. Тошканда чиқадиригон русча «Коммунист» газетасининг 121 нўмири(ни) кўрмокга мушарраф бўлди. Бу нўмир газетада шўролар Туркистонининг сайлов натижалари мукамал суратда ёзилуб, Туркистондаги тол чумчуқларнинг аксарларин хиёнатлари зохир бўлуб, баъзилари хибс килинуб: баъзилари фирка(дан) чикорилуб, ҳукумат бошиға «марказчиилар, яъни марказ Маскванинг таълимотини(нг) комил суратда Туркистонда ижро килмок керак, деган фикрдаги одамлар ўтиргонликлари очик суратда ёзилган эди. Хакикат ўлсун бу хаёл, дея бироз таскини хотир ўлдук.

Тўқкизинчи нўябрда ўрток Суритса бошлик Афғонистонга Масквадан тайин ўлинмиш хайъат келди. Бу хайъатгэ раис ўрток Суритса, бир саркотиб, бир ёвар матрос, буларнинг ҳар учи Масква кўмитасидэн тайинланмиш кишилар. Яна булардан бошкз Масква кўмита тарафиндан кўндирил-миш Хиндистон инкилобчилариндан:

1. Абдулраб афанди, Пешовар шаҳриндз тугилгон, ўзи афгон наслиндан Юсуфзай кабиласина мансубдир.

2. Рожа Махандра Протов афанди Хиндистоннинг аввалги ҳукмдорларининг оиласига мансуб зотдир.

3. Бирбатзо Дахонгра Очорпор афэнди Хиндистон бараҳманлариндан ўлуб, ул Хиндистонда хинд тилинда «Хиндистон» исминда ҳамда инглиз тилинда «Ганж(и) Хиндистон) исминда газиталар нашр килмишдир. Булардан бошка Тошкандан мухбирлик сифатила кўшилмиш Ислом Шоахмадуф... мусулмонлариндандир. Булардан бошка бир дўқтур, бир таржимон, 12 адад аскарларда вор эди.

12-нўябрда бутун хайъати ваколани(нг) ноиб-ал-хукума Чахорбогда меҳмон килди. Ўрток Суритса ноибга 20 кадок чамэсида келадиригон кумуш «ваза» ила бир олмос кўзлик «брошка» жига такдим килди.

13-нўябрда ноиб-ал-хукума ўрток Суритса ёниға боруб, икки соат чамасида гаплашуб кайтди.

14-нўябрда ўрток Суритса сафоратхонамиза бутун хайъати вакола ила ташриф буюрди.

17-нўябрда ўрток Суритса Хазорэ йўли ила Кобулга караб жўнади. Ноиб-ал-хукума Хи-рот(дан) тўрт чакирим йирик бир ҳукумат богида йўлда Суритсага чой тутиб, бир яхши сувсар пўстин ила бир машхур эн чакмон тақдим килди.

18-нўябрда ўрток Суритсанинг маслаҳати ила Тошкандга сафорат хонамизга керэклик нимэрсалар ила окча олиб келмокга ҳамда бурадан пўшталарни(нг) олиб бормокга «дипломатический курьер» (килуб) юбордум.

Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи,
филология фанлар доктори, профессор
Бегали Косимов